

УМРГА БАДАЛ БИР КЕЧА "ҚАДР КЕЧАСИ"



Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

“1. Албатта Биз уни Қадр кечасида нозил қилдик. 2. Қадр кечаси нима эканлигини сиз қаердан билар эдингиз? 3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. 4. Унда фаришталар ва Рух Парвардигорларининг изни-ихтиёри ила барча ишлар билан тушурлар. 5. У (кеча) то тонг отгунича тинчлик-омонликдир”

Минг ойдан ҳам яхшироқ бўлган кеча “Минг ой” саксон уч йил, тўрт ой бўлар экан. Бу ерда минг ойдан мурод, таркибида Қадр кечаси бўлмаган минг ойдир. Қадр кечаси ҳақида манбаларда қуйидагилар баён этилади. Ҳоким ва Ибн Абу Шайба, ибн Аббос р.а.нинг шундай деганини ривоят этади: “Қуръони карим тўлалигича (Қадр кечасида) Лавхул-Махфуздан дунё осмонидagi Байтул-Иззатга туширилди ва 23 йил мобайнида бу ердан Жаброил а.с. воситаси ила Муҳаммад с.а.в.га пайдар-пай нозил этилди”. “Ал-Қадр: Хукм бермоқ маъносидадир. Аллоҳ таоло бу кечада бир йил ичида бўлажак нарсалар ҳақида ҳукм бергани учун бу кечага ушбу ном берилгандир” Абу Хурайра р.а. ривояти: Расулulloҳ с.а.в. шундай дедилар: “Кимки Лайлатул-Қадр кечасининг ҳақлигини даъво қилиб, Аллоҳдан савоб умидида ибодат қилса, ўтган гуноҳларининг ҳаммаси кечирилади” (9). Ҳоҳ эркак, ҳоҳ аёл ҳар бир муъмин-мусулмон, Қадр кечасини тоатда, яъни итоат ва ибодатда ўтказгани тақдирда,

Расулulloҳ с.а.в. ваъда этгани мукофотга лойиқ бўлади. Яъни, Аллоҳ унинг ўтган гуноҳларини кечириб, ўзини эса мағфират этилган бандалари сафига киритади. Бу савобга ноил бўлиш ва бу мукофотни ҳақ эта олиш учун, ихё этилган кечанин Қадр кечаси эканлигида бирор шубҳа бўлмаслиги лозим. Бу шубҳани кетказмоқ учун эса, Рамазон ойи ҳилолини Расулulloҳ с.а.в.нинг таъйин этгани ўлчовга мувофиқ тасбит этиш керакдир. Рамазон ҳилолининг тўғри тасбит этилиши билан бошланган Рўза ойида, яна Расулulloҳ с.а.в.нинг таъйин этгани ўлчовга мувофиқ тарзда Қадр кечаси тасбит этилиши керак. Бу мавзуда Ибн Ҳажар ал-Асқалоний шундай дейди: “Қадр кечасини ихё этиш билан Рамазонни ихё этиш орасида боғлиқлик очик-ойдиндир. Чунки Қадр кечасини изламоқ алоҳида бир аҳамият ва бутун бир мужоҳадани талаб этади. Шу билан бирга киши Қадр кечасини топсин ё тополмасин, барибир Қадр кечасини излагани учун ажр-савобини олаверади. Маъбодо, Қадр кечасини топса, ажри яна-да кўпроқ бўлади”. Саҳиҳи-Муслим шарҳида шулар баён этилган: “Қадр кечаси ҳақидаги ажр-савобга эришмоқ учун уламолардан баъзиларига кўра, бутун кечани ибодат-ла ихё этиш шарт эмас. Хуфтоннинг фарзини ўқишнинг ўзиёқ бу кеча учун ваъда этилган ажр-савобига эришмоққа кифоядир. Фақат зоҳирга қаралса, бу кечанин ажр-савобига эриша олмоқ учун, кечанин тамоми-

ни тоат-ибодат билан ўтказмоқ шарт бўлади. Бу куннинг биргина қисмида ёки кўпроқ қисмида рўза тутиш билан киши рўза тутган саналмагани каби, Қадр кечасининг бир қисмида ибодат қилиш билан бирга, у кеча ихё этилган саналмайди. Бу ҳадисларнинг зоҳирига қаралса, мазкур ибодат сабабли, ўтган гуноҳларнинг барчаси, ҳам кабира, ҳам сағиралари авф этилади. Аллоҳ таолонинг фазлу-карами чексиздир. Шунга қарамай, ҳар икки тур гуноҳларнинг кечирилиши мумкин бўлса-да, бу каби ҳадислар хусусида уламои киромларнинг машҳур бўлган мазҳаби – фақат кичик гуноҳлар қасд этилганидир”. Муборак Қадр кечасининг тўғри-саҳиҳ тасбити Рамазоннинг илк куни ҳилолини кўриш билан рўёбга чиқади. Агар Рамазон “руъятул-хилол”га кўра тасбит этилмасдан, хато эҳтимоли буюк бўлган бугунги тақвим ё ҳисобчиларнинг ҳисобига кўра эълон этиладиган бўлса, Расулulloҳ с.а.в.нинг бергани ўлчовдан чекиниш ва залолат бўлади. Шундай қилиб, Рамазон рўзаси янглиш бошланган ва минг ойдан яхшироқ бўлган Қадр кечаси тасбит этилмаган, ва ваъда этилган ажр-савобларга эришолмаган бўлади. Қадр кечасининг тасбит этмоқ, Рамазон ойини Расулulloҳ с.а.в.нинг баён этгани “Рамазон ҳилоли”ни кўриш билан бошлансагина саҳиҳ бир тасбит юзага келади. . . Ҳадисларнинг бирида шундай марҳамат қилинади: “Қадр кечаси йигирма еттинчи кечадир” Расулulloҳ с.а.в.нинг суннатида баён этилган ўзгармас ўлчовга кўра, “Рамазон Ҳилоли”ни кўриб, Рамазон рўзасини бошлагани тақдирда, Қадр кечасини тўғри тасбит эта олади, ҳамда бир умрга бадал бир муазам кечанин энг буюк хайрларига эриша олади. Тўғри тасбит-ла бу кеча насиб бўлганида эса, ушбу дуо ўқилади: “Уммул-муъминин Оиша р.а.дан: “Агар Қадр кечасини топсам, қандай дуо қилишимни менга билдиринг” дедим. Расулulloҳ с.а.в. дедилар: “Аллоҳим, шубҳасиз, Сен авф этувчисан, авф этмоқни сева сан, бас мени авф этгин!” дегин”.

9 август куни АКШнинг таникли Pew Researches тадқиқотлар маркази ўзининг “Мусулмон дунёси: яхлитлик ва турфахиллик” номли катта ҳажмдаги янги тадқиқотини (<http://www.pewforum.org/Muslim/the-worlds-muslims-unity-and-diversity-executive-summary.aspx>)

коммунистик ғоя таъсирида бўлмаган Туркия мусулмонлари орасида ислом дини (67%) ўта муҳим ўрин тутди. Айни пайтда диндорлик даражаси ва динга муносабат борасида ёш билан фарқланиш тенденцияси кузатилади. Тадқиқот хулосала-


керакми ёки қўплаб талқин қилинишга йўл борми” мазмунидаги саволга, Ўзбекистон мусулмонларининг 59%и ягона талқин тарафдори бўлишса, 12% эса турфа хил талқин тарафдорлари бўлишган. Қиёслаш учун, Қозоғистонда 36% ягона талқин

PEW RESEARCHES ТАДҚИҚОТИДАН ХУЛОСА: «ЎЗБЕКИСТОНДА ДИННИНГ АҲАМИЯТИ БУГУН ҚИРҒИЗИСТОНДАН ҲАМ ПАСТ ДАРАЖАДА»

эълон қилди. Ушбу тадқиқот, 2011 йил давомида 39та давлатда ўтказилган, унда дунёнинг 80 тилида, жами бўлиб 38минг одам сўралган. Жумладан, тадқиқотда Марказий Осиё минтақасидан жами 7200га яқин одам иштирок этган. Сўров натижаларига кўра, дунё мусулмонларининг

мутлақ аксарияти ягона Аллоҳни ва унинг пайғамбари Муҳаммад (с.а.в.)ни тан олишади. Яъни, айнан Аллоҳни ва Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарни тан олиш борасидаги ақидавий яхлитлик юқори даражада эканлиги айтилади. Жумладан, Марказий ва Жанубий Осиё мусулмонларининг 97%, Яқин Шарқ ва шимолий Африка мусулмонлари 100%, Жанубий Шарқий Европа мусулмонларининг эса 85%и яқка Аллоҳ ва унинг расули Муҳаммад (с.а.в.)ни тан олишларини билдиришган.

Африканинг Сахро минтақаси, жанубий-шарқий ва жанубий Осиё минтақаси мусулмонларининг ҳар ўнтадан саккиз нафари учун дин ўта муҳим эканлигини урғулаган бўлса, бу кўрсаткич бутун Яқин Шарқ ва шимолий Африкада эса ҳар ўнтадан тахминан олти нафарни ташкил қилган. АКШ мусулмонларининг 69%и таъкидлашича, дин уларнинг ҳаётида ўта муҳим ўрин тутди. Бироқ тадқиқотга кўра, коммунистик босим остида бўлган мусулмонлар учун дин нисбатан кам аҳамиятга эга. Россия, Болкон ва Марказий Осиё давлатларида сўралган мусулмонларининг ярмидан ками учун дин муҳим аҳамият касб этади. Марказий Осиё, Россия ва Болкон давлатлари орасида жойлашган, лекин



тарафдорлари ва 31% турфа талқинлик, Туркияда эса 66% ягона талқин ва 22% мусулмонлар турфа талқинлик тарафдорлари бўлишган. Ўзбекистонлик мусулмонларнинг 18% бир кунда бир ёки бир неча марта намоз ўқишади (бу кўрсаткич Қозоғистонда 4%, Қирғизистонда 18%, Тожикистонда

рига кўра, бутун Яқин Шарқ ва шимолий Африка бўйлаб, 35 ёш ва ундан катта бўлганларнинг динга эътибори, 18-34 ёшдагиларга нисбатан анча кучлироқ. Мазкур минтақанинг барча давлатларида яшовчи аҳоли орасида ёши улғурок мусулмонлар масжидни кўпроқ зиёрат қилишади, ҳар куни Қуръон ўқиб туришади, ҳар куни намоз ўқишади. Яқин Шарқ ва шимолий Африкадан ташқари минтақаларда авлодлар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас. Сўровномага кўра, фақатгина Россияда мутлақ тескари вазият ва бу ерда ёшларнинг динга қизиқишу-шижоати ёши катталарга нисбатан юқори. “Дин сизнинг ҳаётингизда қанчалик муҳим ўрин тутди” деган саволга Ўзбекистон мусулмонларининг 30% “юқори” деб жавоб берган. Қиёслаш учун, бу кўрсаткич Озарбайжонда 36%ни, Қирғизистонда 49%ни, Тожикистонда 50%ни, Туркияда эса 67%ни ташкил қилган. Минтақада фақатгина Қозоғистон мусулмонларининг 18%гина уларнинг ҳаётида диннинг ўрни муҳим деган жавоб билан, Ўзбекистон мусулмонларидан кейинги ўринни олган.

Сўровномада ислом динини талқин қилиш борасидаги саволлар ҳам ўрин олган. “Сизнингча, ислом ягона талқин қилиниши

42%, Туркияда 43%, Озарбайжонда 79%).

Ўзбекистонлик мусулмонларнинг 9% ҳафтада камида бир ёки бир неча марта масжидга боради (Қозоғистонда бу 10%, Қирғизистонда 23%, Тожикистонда 30%, Туркияда 44%).

Рамазон ойининг рўзасини ўзбекистонлик мусулмонларнинг 50% тутишларини айтишган (Қозоғистонда бу кўрсаткич 30%, Қирғизистонда 53%, Тожикистонда 88%, Туркияда 84%ни ташкил қилади).

Агар тадқиқотга эътибор берсангиз, Ўзбекистонликларнинг 30% “мен учун дин ўта муҳим” деган холос. Қозоғистондан бошқа барча кўшни давлатларда, бу кўрсаткич юқори. Буни шарҳлаб, Ўзбекистонлик олим, исломшунослик фанлари доктори Муҳиддин Ширинов шундай дейди:

- Назаримда, Ўзбекистон мусулмонларининг “диннинг муҳимлиги” деган маънога бориб тақалса керак. Очiq жамиятларда диннинг муҳимлиги юқори эканлиги айтилган. Собiq атеистик ёки сиёсатда ва оммавий ахборот воситалари орқали дин жамиятдан анча ортага сурилган жамиятларда диннинг муҳимлиги паст эканлиги айтилади.

ИНСОНЛАРГА ФАЛОКАТ КЕЛТИРУВЧИ ХОТИН



Гулнора Исламовна Каримова – 08.07.1972да туғилган. Ўзбекистон Республикаси президентининг тўнғич қизи. Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Миллий Университет), Ҳарвард Университетида тахсил олган. АҚШ фуқароси бўлган Мансур Максудий билан турмуш қурган ва 2001 йилда ажрашган. Икки муҳим қизиқиши бор: пул ва хушсурат эркалар. Ҳар иккисига эришиш учун тўсик танмайди. Хусни ёмон эмас, аммо хулқи ёмон: кўпол, қайсар, худбин... Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, 90-йиллар сўнгига қадар отаси президент Ислон Каримов ва унинг командаси учун ўтиш ва ўсиш даври эди. Ўзбекистон ҳукуматининг маҳаллий мафия, ҳам сиёсий мухолифат, ҳам исломий мухолифат, ҳам ташқи давлатлар муносабатларида зиддиятларга дуч келган даврлар эди. Бу вақтлар давомида Президент Каримов оиласида у қадар фаолият қилган қўл қўл ташланмаган, аёли Тамара Каримова Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида, қизлари эса хорижда ўқиш билан бирга Жаҳон Иқтисодиёт ва Дипломатия Университетида дарс беришар эди. 1999 йил 16-февралдаги портлаш воқеалари сабабли, бундан унумли фойдаланган Президент Каримов мухолифатни боши берк кўчада қолдириб, қаттиқ режим остида ички сиёсатни ўз тизгинига олди. Мамлакатда диктаторлик даври бошланди. Гулнора Каримова Ташқи ишлар вазири маслаҳатчиси, ўринбосар ва Испания элчиси сифатида фаолият юритган. Қатта бизнесда Кока-Кола ширкатини Ўзбекистондаги корхонаси, ЗероМакс, Уздунробита, бутиклар, ресторан ва қурилиш ширкатлари, озиқ овқат саноатини бошқариш билан бирга, ТВ Марказ хусусий телеканал, Фонд Форум жамғармаси, Гули дизайнерлик бренди Гугуша тахаллусида қўшиқчи ва шоира сифатида ҳам фаолият олиб бормокда.

Катта бизнесдаги фаолияти

Гулнора Каримова 2000 йилларнинг бошларида катта бизнесга кириб келиши ички мувозанатни кескинлаштиришга олиб келди. Сабаби, бу вақтга қадар мустақиллик йилларидан сўнг авторитет шахслар катта бизнесда ўз соҳа ва фаолиятларини келишувга мувофиқ белгилаб, бир тизимда олиб боришар эди. Мираброр Усмонов, Ғофур Рахимов, Салим Абдувалиев,

Бахтиёр Рахимов, Зафар Файзиев каби бир қатор шахслар ўзаро ахдлашув бўйича ички иқтисодиётдаги аҳоли талабини инобатга олиб экспорт-импортда ўз монополиясига эга эди. Президент Ислон Каримовнинг қизи ўларок Гулнора Каримова барча соҳаларни қамраган ҳолда шу билан бирга яққа ўзи монополияга эга бўлиш истаги анча низо ва мувозанатни ички бузилишига олиб келди. Бу вақтларда Гулнора Каримова ўнг қўл сифатида Фарход Иноғомов иш юритар эди. Унинг зиммасида асосий вазифалар божхона ва солиқлардан акциз ва даромад солиқларидан озод қилинган ширкатлардаги экспорт-импорт айланмасини назорат қилиш, тижорий ишларни муқобиллаштириш ва пул оқими, пул ювилиши тизимини назорат қилишда Гулнора Каримованинг асосий кишиси эди. Фарход Иноғомов Гулнора Каримова билан иш бошлаганига қадар озиқ овқат соҳасида ўз бизнесига, мавқеига, дўкон ва ресторанларига эга шахс эди. Кока-Кола ширкатининг Ўзбекистондаги бўлимида ҳам бошқарув бўлимида фаолият олиб боргани учун анча маҳорати, турли чет тилларини билиши, хушмуомалалиги ва ташқи кўриниш жихатидан Гулнора Каримовани этиборини жалб қилгани учун бирга ҳамкорликни бошлашган. Фаолият давомида кўплаб қонунларни хатлаб ўтиш ва катта миқдордаги пул оқимини банк ҳисобларида ювилиши ҳоллари авж олгани сабабли, буни масулияти ва жавобгарлигини ҳис қилган Фарход Иноғомов Гулнорадан четланиб, хавфсизлик юзасидан АҚШдан сиёсий бېшпака олган. Ўз жамоасини хали муқаммал тарзда шакллантира олмаган Гулнора Каримова учун бу йўқотиш анча саросимага олиб келди. Аммо бу вақтда унинг қаршисидан чиққан спиртли ичимлик махсулотларини ноқонуний тарзда ишлаб чиқаргани учун озодликдан маҳрум қилинган ва қамокда Нефт-Газ соҳасида лойиҳасини тузиб чиққан Миродил Жалолов билан ҳамкорлик бошлаши унга қутилмаганда катта муваффақият олиб келди. Сабаби анча оқсай бошлаган Нефт Газ соҳасини монополиялаштириш миллиардлаб долларни ўзлаштириш имкониятларини берди. ЗероМакс номида катта корхона ташкил қилинди ва иш бошланди. Вақт сайин кетма-кетликда давлат буюртмасидаги объектларни қуриш, нефт газ қидириш, нефт-газ бургулаш, нефт газ қазиб олиш, нефт газни қайта ишлаш, нефт газни экспорт қилиш каби соҳаларда ўтказилган барча тендерларда кўрсатмага мувофиқ қолиб бўлиб буткул монополияга эга бўлди. Бу ишларнинг барида халқ учун, омма учун ва давлат органлари учун расмий тарзда асосий фигура Миро-

дил Жалолов бошқарар, аммо парда ортида эса Гулнора Каримова турар эди. ЗероМакс ширкатининг халқаро мавқеи йил сайин ошиб борди. Халқ орасида ҳам эътиборга сазовор бўлди. Аммо ривожланиш жараёнининг айни чўққисига келганида. . . Зеро-Макс корхонаси банкрот деб элон қилинди. Жиноий ишлар очилди ва Миродил Жалолов изсиз йўқ бўлди. Ҳаммаси мавҳум ҳолатда қолди-қу аммо миллиардлаб долларлар (таҳминий ҳисобда 40 миллиард доллар) ширкатнинг ҳисоб рақамларидан комбинация қилиниб wash-money ҳолатида парда ортидаги кишининг ҳисоб рақамига тушгани қолди. Гулнора Каримова эл орасида яхшигина пиар ва шуҳрат қозongan Миродил Жалоловдан жуда унумли фойдаланган ҳолда ўйиндан изсиз чиқаргач асосий этиборни Уздунробита-МЦ корхонасида аввалига иш бошқарувчи кейинчалик бош директор лавозимидаги Бехзод Аҳмедов билан бирга ишларни муҳокама қилиш билан бажарилар эди. Бу орада Color IT Design корхонаси республикада катта полиграфия ва реклама саноатида етакчи сифатида иш бошлади. Шу билан бирга Ўзбекистондаги ЗАРА брендида оид дўконлар тармоғида ҳам Бехзод Аҳмедовнинг хиссаси бор эди. 2010 йилларда бу шахснинг фаолиги ривожланди. Асосий вақти Россияда иш фаолиятларини ўтказар эди. Охир оқибат 2012 йилларнинг ўрталарига келиб яна шундай пул ювиш комбинацияси сабабли Бехзод Аҳмедов халқаро қидирувга берилди. Сўнгги йилларда Гулнора Каримованинг бизнесидаги барча асосий ҳисобларини юргизиш ва назорат қилиш айланган Шохрух Собиров бажараётган эди. Аммо шу оғнинг бошларида Шохрух Собиров ва Кока Кола ширкатининг Ўзбекистондаги корхонаси раҳбари ўринбосари Алишер Эргашев ҳам Женева шахрида хибсга олинди. Ҳолат ва айблов яна шундай-ноқонуний пул айланмаси. Бугунги кунга келиб Гулнора Каримованинг атрофида ишончли кишилари санокли қолди. Улардан энг асосийлари – Тошкентнинг Хувайдо маҳалласида истиқомат қилувчи халқ орасида Боходир шакарчи номи билан обрў топган шахс. Бу шахс тижорий, озиқ овқат соҳаси ва экспорт импорт ва пул айланмасида конвертация масалаларида Гулнора Каримованинг асосий ёрдамчисидир. Аммо ҳолат шу тарзда давом этса, бу кишининг ҳам тақдирини тахмин қилиш мумкин. Гулнора Каримова ёшлар ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиш, кези келганда келажакда уни қўллаши учун бугунги кундаги ёш авлод учун ҳамма вақт уларга шароит яратаётгандек кўринишга уринапти.

Давоми 8-бетда)

Ижтимоий тармоқлар режимининг тишига тегаяпти. Албатта, бу каби интернет алоқалари ва одамларнинг бир-бири билан мулоқот қилишларидан асло чўчимаслик ҳам мумкин эди, фақат “Араб баҳори” деб номланаётган инқилобий тўлқинлар содир бўлмаганида...
Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий тармоқлардан ховотир изҳор

тармоқлар Яқин Шарқ ва Осиёда турли намоёишлар уюштиришнинг қулай воситасига айланганини бир неча бор амалда исбот этди. Ҳозирда дунёнинг энг қайноқ нуқтаси бўлиб турган Сурияда кечаётган хунрезликларда ижтимоий тармоқлар ҳам фаол рол ўйнамоқда. Масалан, амалдаги тузумга қарши курашишга чақириқлар, бунинг



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ – ВИРТУАЛ ҚАРМОҚ ЭМАС

қилмоқда ва бу ҳақда оммабоп нашрлардан бири бўлган “Хуррият” газетаси бир мақола берибди.

“Ижтимоий тармоқ – виртуал қармоқми?” деб номланадиган мақоладан хулоса қилинадиган бўлса, Ўзбекистон ўз худудларидаги интернетни турли ижтимоий тармоқлардан ҳимоя қилиш чораларини излаётганини тушуниб олиш мумкин.

“Бугун энг сердаромад соҳалардан бири сифатида, интернет эътироф этилмоқда, десак янглишмаймиз. Хусусан, чегарасиз майдон ва поёнсиз сарҳадга эга виртуал оламнинг энг жозибадор кўринишларидан бири бўлмиш ижтимоий тармоқлар ҳали 30 ёшнинг нари-берисида бўлган Марк Цукерберг, Альберт Попков, Павел Дуров, Джек Дорси каби кишиларни аллақачон дунё миллиардерлари рўйхатига тиркаб қўйди”, – дея бошланади “Хуррият” газетасида эълон қилинган мазкур мақола.

Дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоққа айланган “Фейсбук” аудиториясининг 901 миллион киши ташкил этаётганлиги ва улар орасида 130 минг ўзбекистонлик ҳам борлигини, ҳукуматнинг чўнтагидаги ижтимоий-сиёсий газетаси ташвиш билан келтирмоқда. Тагин мақолада айтилишича, унда 500 миллион киши сайтга телефон орқали ташриф буюраркан. Шундай бўлса бордир, аммо бунга алоҳида урғу берилиши боиси эса, Ўзбекистон мобил телефонлар тармоғида ҳам интернет хизматларини кўрсатувчиларнинг борлиги эслатиб ўтилади ўхшаб кетаяпти.

Хориждаги ўзбеклар ҳам ватанда қолган яқинлари билан айнан интернет орқали боғланмоқда. Ижтимоий тармоқлар эса одамлар бир-бирларини топиб олишларига катта кўмак кўрсатаяпти. “Бундан ҳам ёмони, ижтимоий

учун хайрия йиғини ташкил қилишга даъватлар (Отнинг ўлими — итнинг байрами, деб шуни айтсалар керак-да) шулар жумласидан”.

“Араб баҳори” деб ном олган Яқин Шарқ мамлакатларидаги инқилобий тўлқинлар авторитар ўзбек ҳукуматини ташвишга солмай қўймаслиги аниқ. Чунончи, мамлакатда бу сингари амалиётларни бошлаб юбориш учун барча зарурат пайдо бўлган. Аммо кишиларда журъат етмаслиги “Ўзбек баҳори”нинг бошланишини пайсалга солиб турибди. Мақолада даъво қилинаётганига кўра, “...ҳали бери поёни кўринмаётган бу ҳаракатлар Тунис, Ливия, Миср, энди эса Сурияда қатор худкушликларга сабаб бўлмоқда. Тараққиётни йиллар ортига суриб юбораяпти...”

Албатта Сурияда кечаётган уруш ҳар бир онги бутун одамни ташвишлантирмай қолмайди. Лекин начора, одамлар диктаторлардан безор бўлган бўлса ва қутилиш йўлини излаб топаётган бўлса. Юзлаб, балкида минглаб одамлар ўлаётган бу ҳокимият алмашинишидан сўнг миллатнинг қолган фарзандлари инсондек яшаш имкониятларини қўлга киритишяпти-ку. Демак, қурбонлар бекорга берилмаяпти.

Мақоланинг индоллоси эса унинг якунида: “Яқинда Чехия пойтахти Прага шаҳридаги меҳмонхоналарнинг бирида ўзларини халқнинг даҳолари деб санайдиган ва тузилмаларига демократия, халқ, таянч, адолат, тикланиш каби дабдабали ёрликларни ёпиштириб олган бир гуруҳ товламачиларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Мақсадлари ҳокимият, юртимиздаги тараққиётни издан чиқариш бўлган бу ношуд кимсалар ҳам ўзларининг фаолият кўламлигини кенгайтиришда ижтимоий тармоқлардан унумли фойдаланиш ҳаракатига

тушиб қолдилар. Демак, вазият янада хушёрликни талаб этади”, – дейди мақола муаллифи, “Хуррият”чи Иномжон Абдиев. Ўзбек журналистикасида хурматли юртбошининг номи келтирилмай қолса, бунақа мақола чўлтоқ бўлиб кўринади одатда. Бу ҳам авторитар тузум журналистикаси билан озод матбуот орасидаги фарқлардан яна биридир.

“Ҳа, дунё тараққиёти бизга мана шундай қарама-қарши вазиятларни рўбарў қилмоқда. Муаммони ечишнинг эса битта йўли бор: у ҳам бўлса, истиқлолнинг илк кунларидан муҳтарам Юртбошимиз томонидан таъкидлаб келинаётганидек, тарбияни оиладан, маҳалладан, мактабдан бошлаш керак”, – дейди журналист. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати номи юқорида зикр этиб ўтилган барча ижтимоий тармоқларда ўз саҳифаларини очган ва мақсад Ҳаракат сафларига кўпроқ кишини жалб этиш. Ўзбекистон томонидан ташкил этилган ижтимоий тамоқларда ҳам (масалан “Олам.уз”) саҳифа очиб олишга қилган уринишларимиз зое кетди. У тармоқларда қатнашни истаганлар Ўзбекистон ичкарисида яшаётган Ўзбекистон фуқаролари бўлишлари лозим. Акс ҳолда сизга йўл йўқ! Мақола муаллифи эса айнан мана шу тарздаги тармоқларни ривожлантириш ғоясини илгари суради. Қизик, фақат Ўзбекистон ичкарида фаолият кўрсата оладиган тармоқ кимга керак экан? Одамлар дунёга чиқишни истаяпти ахир! Мақоламиз сўнгида “Хуррият” газетасида чоп этилган мақола сарлавҳасига қайтсак: “Ижтимоий тармоқ – виртуал қармоқми”? Жавобимиз эса бу: Асло йўқ! У қармоқ эмас, балки авторитар режим ва унинг малайлари устига ташланган виртуал тўрдир бу!

Тўлқин Қораев

ГУЛШАН ҚОРАЕВА: "PRESSUZINFO"ГА ЖАВОБИМ!



Куни кеча ҳукуматимизнинг иғвогар сайтларидан бири бўлган "pressuzinfo.uz" мен ҳақимда бир мақола эълон қилибди. Умуман олганда, ҳукумат мақомидаги бу иғвогарларнинг биринчи бор иғво ёзиши ҳам эмас ва афсуски сўнги иғволари ҳам эмас.

Бу сайт йиллар давомида, иғво ёзмаган бирор муҳолифатчи ёки инсон ҳақлари курашчиси қолмаган бўлса керак. Нима эмиш – менинг уйим "Притонхона" эмиш! Сенлар ўзларинг шаҳарнинг қаерида қанақа "притонлар" борлигини жуда яхши биласанлар! Агар мени уйим шунақа хона бўлганда эди, мақола ёзиб чиқмасдиларинг, балки бошқача усулларни қўллаган бўлардиларинг.

Бу каби кети узилмаётган тухматларинг билан сенлар Ўзбекистон обрўсини тўкиб келаяпсанлар. Нега дерсизлар! Ахир Ўзбекистон ҳамма учун "жаннат" эди-ку? Энди бу хомкаллани ишга солиб кўрмайсизларми? Ахир "Келажак буюк давлатда" притонхоналар бўладими? Бу сайтнинг модераторлари борми, ёки эгаларими – улар ҳам шунақа "притонхоналарга" калласи билан кириб кетганлардан бўлишса керак!

Телефон орқали айтилган гаплар худди нам деворга айтилган гапга ўхшаб таъсир қилган. Телефондаги сўзлашув ким ҳақида айтилганини жуда яхши билишадди. Бундан чиқди, хулоса қилсам бўлади: худди шунақа жойлар режим билан бирга ҳамкорлик қилишига ва ўзларини зўр бериб уларни ҳимоя қилишларига! Эскидан бир гап бор: "Қозонга яқин юрсанг – қораси юқади". Ҳаром билан озикланганлар ҳаромга айланади, деб ҳам тадбиқ қилсақ бўлар менимча. Менинг фаолиятим буларнинг ғашига теккани аниқ! Мен ҳуқуқбонлар орасида энг ёшиман. Ёшим бир жойга бўлганида эди, ҳукуматимизнинг бу лайчалари бунақа сассимасдилар. Аёл кишини бадном қилиш осон иш албатта, аммо айни дамда кимнинг ким эканлигини халқаро жамоатчилик, элчихоналар, қолаверса, Ўзбекистоннинг жафокаш халқи ҳам жуда яхши англаб етган. Гап шундаки, менинг араб шайхлари орасида танишларим йўқ ва айни дамда "шайх" билан дам олиш учун сафарга отланганим ҳам йўқ! Қилаётган иғволаринг ўзларингга сийлов бўлсин, пасткашлар ва ювиндихўрлар! Менинг ногирон фарзандим ҳақида ҳам ёзишдан олдин ўзларинг пахта туфайли ногирон қилиб қўйган, Чироқчилик Баходир Пардаевни соғлигини тиклаб беринглар! Баходир Пардаев сенлар туфайли шу ҳолга тушмаганмиди?! Соғлом бола сенларни пахта сиёсатларинг туфайли ногирон бўлмади, ёки уни ҳам онасининг "притонхо-

наси" бормиди? Балки "притонхонадагилар" бўйруғи билан шу ҳолга тушгандир. Мен фарзандим билан касалхоналарда жуда кўп ётганман. Ногирон болаларни ҳам жуда кўпини кўрганман. Прокурорлар, судьяларнинг ва ҳоказолар болалари орасида ҳам худди шундайлари бор. Булар оталарининг қайси касофати учун жавоб бераёпти? Дардни бериш Аллоҳнинг қўлида, тухматларинг учун сенларнинг фарзандларингга ҳам бериб қолмасин тагин! Касаллик на бойни ва на қамбағални танлаб ўтирмайди. Йиғиб қўйган ҳаром пулларинг ҳам сенларни асрай олмайди. Ҳар битта гапираётган тухматларинг учун бу дунёда жавоб бермай ўтиб кетарсанлар балки, аммо қиёматда жавоб беришларингга тўғри келади. Халқимизнинг бир нақли бор: "башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама".

Бу айни сизларга қарата айтилгандек. "Буқрини гўр тузатади" дейдилар. Сизларга гап уқдириш қийин ва ишончим комилки, қачонки гўрга кирсанглар, тузалиб қоласизлар. Унгача ғийбат, бўҳтон ва бошқа жиноятлар... Булардан тийила олмайсизлар! "Ит хуради, карвон ўтади"! Сизлар итдай хуриб ётаверинглар. Карвонимиз эса озодлик деган манзил сари бораверади. Сизларсиз ҳам бу манзилга етамиз албатта!

Гулшан Қораяева

*Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари
Жамияти*

Қашиқадарё вилоят бўлими раиси

ЎХХ диктатор Каримов режимига қаршидир, аммо бу халқимизнинг ва ватанимизнинг шаъни-шарафига, номусига бефарқ дегани эмас.

Иванов ва Гдлян каби пасткаш жаллодлар ўзбекларни таҳқирлагани коммунистлар даврида ҳам, ҳаракатимизнинг асосчилари уларга қарши курашган эдилар.

Мана шундай пасткашлардан бири Сергей Ежковнинг uzmetronom.com сайтида яна миллатимиз вакилларини таҳқирловчи бир материал ўрин олган.

Бу хабарга кўра, тошкентлик тиббиёт ходимлари бу йилги мавсумда яна пахта теримига сафарбар қилинар экан.

Пасткаш Ежков пахта терадиган-

ҲАДДИНГИ БИЛ, СЕРГЕЙ ЕЖКОВ



лар кўпроқ тўнқайиб турадилар, шуниунг учун ҳам у бу ишга проктологлар (йўғон ичакнинг охири қисми касалликлари мутахассислари) жалб қилиниши керак,

дея ўзининг ахлоқсизлигини намоён қилган. Инсон шақлидаги бу махлуққа шуни эслатмоқчимизки, сен кабилар ўзбекларнинг нонини еб кун кўргансанлар ва кўраёсанлар.

Еганларинг оғзингдан қайтиб чиқмасдан, эсингни йиғиб олсанг, ўзинг учун яхши бўлади...

Намоз Нормўмин

ҚЎРҚОҚ ВА ҲАФСАЛАСИЗ СПОРТЧИЛАРИМИЗ

Сигирлар қўрқитилса сутини, товуклар қўрқитилса тухумини озайтирар экан. Инсонлар қўрқитилганда ёки жамиятда қўрқув ҳукмрон бўлганда эса...

Бу мавзунинг ҳозир Лондонда ўтаётган Олимпиада ўйинларига алоқаси борлиги ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак. Жанубий Корея энг кўп медал қўлга киритган ўлкалар орасида, Шимолий Корея эса бу рўйхатда исми ҳам йўқ. Ҳолбуки, бу икки давлат бир миллатнинг вакилларидан ташкил топган. Улардан бирида эркинлик, иккинчисида эса диктатура, яъни қўрқув ва даҳшат режими ҳукмрон...

Бу ерда ахир Хитой ҳам коммунистик диктатура, аммо Олимпиада медалларини қўлга киритганлар орасида етакчи ўринда, дейи-

шингиз мумкин. Замонавий Хитой сиёсий тузуми коммунистик, аммо иқтисодда “капиталистик” бир ўлкадир. Қолаверса, Хитойда минг йиллардан бери шаклланган бир ижтимоий анъана бор: у ҳам бўлса хитойликларнинг ўз давлатларига сўзсиз итоат қилишларидир. Яъни, Хитойликлар давлат тузумини эмас, аввал шу давлатнинг ўзини ўйлайдилар ва севадилар... Ўзбекистонга келадиган бўлсак, мамлакатимизнинг бу ердаги мисоли Шимолий Корея кабилар. Ўзбекистон халқи бугун қўрқитилган ва барча соҳаларда ўз ташаббусини ўртага қўйишдан маҳрум қилинган бир халқдир. Бундай вазиятда инсонларимиздан ватан севгиси, унинг номини қадрлаш ва бунинг учун курашиш истагини кутиш, албатта бемаънилик бўларди. Шунинг учун ҳам,



Ўзбекистонлик спортчилар Лондон Олимпиадасида ғолиблар сафида кўринмаяпти...

Ҳа, айтмоқчи, диктатор Каримовнинг эркатойи Гулнора бу кунларда шарқ спорти бўйича маҳоратини намойиш қилаётган эмиш. Омнанинг эътиборига лойиқ футбол ва Олимпиада ўйинлари каби спорт соҳаларида инқирозга учраган ўзбек спорти, Гулноранинг маҳорати билан доврўғ қозонишини кутиш, унинг отасигагина маъқул бўлса керак...

Фарҳодбек

ВОС-ВОСНИНГ “ЖАСОРАТ”И

Жасорат тушунчаси фақат ақли соғлом кишиларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Чунки жасорат ўз қўрқувини енгиб, ақл идорасида мақсад йўлида ҳаракатга кечишдир. Шунинг учун ҳам жасорат калимаси ЖИННИГА нисбатан асло ишлатилмайди. Жинни ақлдан Мосуво қилингани сабабли, ўзини ўтга ҳам сувга ҳам киприк қоқмасдан ташлаши мумкин.

Ўзбекистон “шов-шув булган” Гаффор Хотамовнинг “асари”да тилга олинган ёзувчи ва шоирлар бу маъна “асар”да ўз шаънларига қарши ёзилган тўхмат ва ёлғонлари учун нега маҳкамага беришмайди, деган саволга Ўзбекистондаги ёзувчилардан биттаси “Ғ. Хотамов бир-неча йил руҳий касалхонада ётиб чиққан, уни маҳкамага тортиш мумкин эмас”, дейишганди.

Яъни, Хотамовнинг интернетда тарқатилган иғвоси, маҳкамага

берилиш эҳтимолининг йўқлигидан амин бир жиннининг васвасасидан бошқа нарса эмас.

Ва, албатта, бу “жавобим” ҳам жиннига эмас, бу ғаройиб интернет дунёсида жиннининг ёзганларини ҳам ўқишга маҳқум қилинган соғлом ақл эгаларигадир.

Ғ. Хотамов бизга қўшни яшаган, аммо ҳеч қачон у билан яқин бўлмаганман. Чунки “оҳиста пичир-пичир” қилиб юрадиган кичик ҳажмдаги ғийбатчи эди. У билан ҳеч бир шаклда қаршилашмаганмиз, менга қарши “хезлангани” ҳам баъд бир тўқима, бадний тўқима эмас. У замонлар каминига хезланиш жасорати маҳалламиз жинниларида ҳам йўқ эди. Хотамовнинг бу ёлғонларидан унга васваса бериб турган дўсти – шоҳли-туёқли махлуқнинг ҳам мазза қилиб кулаётганига шубҳам йўқ. Бу Восвос, каминанинг Эркин Воҳидов билан телефонда гаплашга-

нимизни ёзибди. Эркин Воҳидовни жуда ҳурмат қиламан, аммо Аллоҳга қасамки, 19 йилдан бери у билан ҳеч гаплашиш имконим бўлмади. Восвоснинг яна бир телба иддаоси – Андижон воқеларини мен тайёрлабман. Ва бунинг исботи сифатида менинг “телефон суҳбатим”ни келтиради. Аслида, Эркин Воҳидов Миллий Хавфсизлик Хизматида муружаат қилиб, ўша телефон суҳбатини талаб қилиши лозим. Чунки восвос уни халқ кўзғолонини тайёрлашда айблаётди. Бундай учун телефон суҳбати йўқ бўлгани учун МХХ уни асло тополмайди. Ва шу асосда восвосни маҳкамага бериш лозим. Чунки у бегуноҳ бир инсонга очик ва безбетларча тўхмат қилаётди, тўхматнинг эса ҳатто Ўзбекистон Қонунларида ҳам жазоси бор. Ғ.Хотамовнинг ёзиш услубидаги ирқит шаллакилик ҳақда гапирмайман. Чунки ундан баттарини айтдим: бу одам руҳий хаста, Аллоҳ унга шифо берсин.

Муҳаммад Солих

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОНДОНДАГИ ИЛК ОЛТИН МЕДАЛИ



Лондондаги XXX Ёзги Олимпиада ўйинларида 11 август оқшомида

эркин кураш бўйича 120 килограммга бўлган вазн тоифасида ўзбекистонлик Артур Таймазов олтин медал соҳиби бўлди ва уч карра олимпия чемпионига айланди. Финал босқичида грузиялик Давид Модзмашвилига қарши майдонга тушган Артур Таймазов Ўзбекистон терма жамоасида тўртинчи медални олди. Бунгача ўзбекистонлик дзюдочи Ришод Собиров, боксчи Аббос Атоев ва курашчи Сослан Тигиев бронза медалини қўлга киритгандилар.

Курашчи Артур Таймазов 2000 йилда Сиднейда ўтган Олимпиада ўйинларида эса у кумуш медални қўлга киритишга муваффақ бўлганди.

2004 йилда Афинада ва 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинлари чемпиони бўлган Артур Таймазовга қадар тарихда “уч карра олимпиада чемпиони” унвонига сазовор бўлган эркин курашчилар Александр Медведь ва Бувайсар Сайтиев эди.

ЎХХ хабар маркази.

МТС: ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚУДРАТЛИ КУЧЛАР БИЗНИНГ БИЗНЕСИМИЗНИ ТОРТИБ ОЛМОҚЧИ

Ўзбекистондаги монополияга қарши ҳудудий идоралар ҳужжатлари билан танишган Россиянинг МТС ширкати сўнгги баёнотига кўра, бу буюртма ҳужжатлар олдиндан тайёрланиб тарқатилган ва охириги пайтда бўлаётган ҳодисалар Ўзбекистондаги таъсирли структураларнинг бизнесни тортиб олиш истагида эканликларидан далолат беради.



Би-би-си билан суҳбатда “Мобильные ТелеСистемы” ширкати матбуот котибаси Валерия Кузменконинг айтишича, антимонопол органларнинг мажлислари 6-7 август кунлари бирин-кетин ўтказилган ва бу мажлисларда МТСнинг Ўзбекистондаги бўлими ҳисобланган “Уздунробита” ширкати қатор конунларни бузгани ҳақида қарорлар қабул қилинган. Валерия Кузменко икки кун мобайнида Ўзбекистондаги 16 та монополияга қарши кураш идораси қарорлар қабул қилганини маълум қилади ва бу қарорларда “Уздунробита” мамлакатнинг антимонополияга тааллуқли, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва рекламага бағишланган конунларини бузгани таъкидланган. Хусусан, гап “Уздунробита”нинг сигналлари Ўзбекистоннинг ҳамма жойига етиб бормаса ҳам миждан 100 фоиз абонент тўлови тўлаш талаб қилингани ҳақида боради. “Мобильные ТелеСистемы” матбуот котибаси Валерия Кузменконинг айтишича, мобил алоқа ширкатлари фаолияти учун бундай амалиёт нормал ва бу ҳам Ўзбекистон ва ҳам дунё амалиётида қўлланади. Шунинг учун ҳам Россиянинг МТС ширкати Ўзбекистон аксилмонопол идораларининг бундай конун бузилиши ҳақидаги айбловни “абсурд ва асоссиз” деб атайди, ушбу айбловлар битилган қоғозлар олдиндан

бир жойда тайёрланиб, кейин минтакавий монополияга қарши органларига юборилган, дейди. “Қонун бузилишлари аниқлангани ҳақидаги актларнинг матнлари тўла мос келиши, хусусан, жумлалар тузилиши ва йўл қўйилган хатолар бир хил экани бу ҳужжатларнинг буюртма характерга эга эканини англатади”, дейилади МТС шу муносабат билан тарқатган матбуот хабарида.

Натижада Ўзбек монополияга қарши идоралар “Уздунробита”нинг етказган зарарлари 80 миллион доллардан зиёдни ташкил этади, деган қарор чиқарганлар. “Бизнесга аввалдан режалаштирилган ва мувофиқлаштирилган ҳужум” МТС Ўзбекистон Бош прокуратураси текширувлари ортидан чиқарилаётган аксилмонопол идораларнинг қарорларини, “Уздунробита” активларининг музлатиб қўйилишини ҳамда ширкат ходимларининг ҳибсга олинишини Ўзбекистондаги муайян таъсирли структураларнинг бизнесни тортиб олиш ниятидаги амаллари деб кўради. Би-би-си билан суҳбатда “Мобильные ТелеСистемы” ширкати матбуот котибаси Валерия Кузменконинг айтишича, бундай жиддий айбловни илгари суришларига аксилмонополия идораларининг “Уздунробита”га ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга имкон ва фурсат бермагани ҳам туртки берган. МТСга кўра, Ўзбекистон Бош прокуратураси ширкат фаолияти текширишларини мамлакат конунларини бузган ҳолда амалга ошираётгани, ҳали маҳкаманинг қарори чикмасдан туриб “Уздунробита” ҳисоблари музлатилиши, ширкатга ўз технологик ускуналаридан фойдаланишга изн берилмагани ва ширкат ходимларининг ҳибсга олини-

шидан кимдир “Уздунробита”нинг бизнесини тортиб олмоқчи бўлаяпти, деган хулосага ундаган. “Биринчидан, бу асоссиз ҳибслар. Бизнеснинг тўрт ходимимиз ҳибсга олиниб, уларга нисбатан жиноят иши очилган. Бу айбловларнинг маъноси ҳалигача бизга қоронғу, уларни нимада айблаётганлари ҳақида бизга бирорта ҳужжат тақдим этишгани йўқ. Кейингиси, тинимсиз давом этаётган текширувлар ва бу текширувлар асосида илгари сурилаётган мантқиқсиз ва молиявий асосланмаган айбловлар. Ва суд бир қарорга келмасдан туриб “Уздунробита” ҳисоблари ва ускуналари тўхтатиб қўйилишидан биз бизнесимизга ҳужум бўлаяпти, деган хулосага келаяпмиз”, дейди Валерия Кузменко.

“Ўзбекистондаги бу қудратли ёкатта таъсирга эга структуралар ким бўлиши мумкин”, деган саволга МТС матбуот котибаси Кузменко хоним, “ҳозирча бизда бу борада ахборот йўқ”, дейди.

“Аmmo биз бизнесимизга ҳужумнинг аввалдан режалаштирилган ва мувофиқлаштирилган амал эканини кўриб турибмиз”, деди “Мобильные ТелеСистемы” матбуот котибаси Валерия Кузменко.

Шу йил апрелида МТСнинг Ўзбекистондаги шўъба қорхонаси “Уздунробита” молиявий фаолиятини текшириш бошланган, бу текширишларда конун бузилишлари аниқлангани ортидан “Уздунробита” раҳбарининг Ўзбекистондан қочгани ҳақида хабарлар тарқатилган.

Июль ойида Ўзбекистондаги масъул идора “Уздунробита”нинг мобил алоқа хизмати кўрсатиш рухсатномасини 10 кунга тўхтатиб қўйди, оқибатда 9 миллиондан ортиқ миждоз мобил алоқасиз қолди. Мамлакатдаги бошқа мобил ширкатларнинг сим-карталари бир неча кун “талаш” бўлди, “Уздунробита”нинг рақиблари янги миждозлар учун тунлари билан ишлаш тартибларини жорий этдилар. Июлнинг охирида “Уздунробита” фаолиятини уч ой тўхтатишга қарор қилинди.

Ўзбекистондаги айрим инсон ҳақлари фаоллари ўзларини мобил алоқасиз қолишларига масъул идораларни маҳкамага тортмоқчи эканлари ҳақида хабар тарқатганлар.

“Tax Justice Network” ташкилотининг маълумотига кўра, Ўзбекистоннинг 23 миллиард доллар пули оффшор мамлакатларда жойлашган. Бу – давлат йиллик бюджетининг ярми демакдир. Асосийси, бу пуллар амалдорлар ҳамда уларнинг қариндошларига тегишли ўғирланган пуллардир. Ўзбекистон табиий ва геологик жиҳатдан бой

Ўзбекистондаги мотор ишлаб чиқариш Заводида “хисса”лари бор. Уларнинг фарзандлари ўша Тошкентдаги энг машхур ва тегилмас кайфу-сафочиларидандир Рустам Азимов.

Мамлакатнинг иқтисодий модели асосчиларидан. Доданинг ғазначиларидан бири. Машхур Трест 12 ОАИКБ “Ипак Йўли” лар-



КАРИМОВНИНГ АТРОФИ – ЎҒРИЛАР САЛТАНАТИ

мамлакат бўлса-да, бугунги кунга келиб, энг қашшоқ мамлакатлар сафида пешқадамидир. Халқни шу куйга солган ўз қахрамонларини юзидан танишини истаб, сизларга ўзим билган бир-икки маълумот ва амалдорларнинг ўзи ва қариндошлари ҳақида: Каримов ва унинг оиласи энг асосий фигурантлар бўлгани билан унинг йиллар давомида алмашмай келаётган малайлари ҳам халқни талон қилишдаги хиссалари кам эмас. Рустам Иноятов. Алмашмайдиган фигуралардан бери. Унинг бизнеси ва таъсир доираси Ўзбекистонда жуда катта. Унинг хотини ва қайниси бизнес доираларини юритади. Флора Иноятова ҳамда унинг укаси Бахтиёр Иргашев “Консалтинговая Компания «ANSHER CAPITAL», ООО “Benif” ларнинг эгаларидир. Улар мамлакатдаги экспорт-импорт операцияларининг аксарини назорат қиладилар. Яна ОАИКБ “Ипак Йўли” ҳамда “General Motors”нинг

нинг кришаси ва улардан келадиган даромаднинг катта улуш соҳиби. Яна Асака заводидан ҳам даромад эгаси. Улуғбек Розикўловнинг устози. Миллий Банк раҳнамоси. Ипак Йўли банкининг соҳиби, у ернинг мошеник Раиси, Рустам Раҳимбековнинг худоси. Икки ажойиб қизларнинг отаси. Ойнисо Азимова-Юсупова ҳамда Малика Азимова. Иккала қиз ҳам Москва ва Европа мамлакатларининг доимий меҳмонларидан. Дам олиш соҳаси бўйича устаси фаранг. Ойнисо гарчи хаётда Миллий банка қадам қўймас-да, у ерда ишлайди ва стажи юриб туради. Ҳозирги кунда Филлипинда истикомат қилади. Маликанинг тўйи эса Москвада донғи кетган тўйлардан бири бўлган, айтилишича, тўй харажати 3-5 миллион долларни ташкил этган. Бўритош Мустафоев. Доданинг любимчиларидан бири. Суд атрофида айланаётган пуллар эгаси. Самарқанднинг кирди-чиқдиси шуларга қарайди. 3 ўғил

отаси. Катта ўғли “Ўзбеклизинг” каттаси, ҳамда ўша “Ипак Йўли”нинг Совети раҳбари. Тўрақул Набиев. Самарқанднинг энг таъсири кучли Олигархларидан бири. Пайтида МВДда антикоррупцион бўлимининг бошлиғи бўлган. Баҳодир Матлюбовга қариндош, унинг министрликка келишига сабабчилардан бири. Монако ва Лондонда бу кишини ва оиласини ҳафтада кўришингиз мумкин. Файзулла Муллажонов. Эски бўри. Хеч нарсага аралашмасдан катта пуллар эга бўлган. Сирдарёдаги теплицаларнинг 99% шунга қарайди. Бу руйхатни жуда кўп давом эттирса бўлади: Ҳайдаров, Мирзиёев, Файзиев, Абдувалиев, Ғаниев ва бошқа-бошқа қароқчилар. Истардимки, Европа мамлакатларидаги, нафақат Европа, балки араб мамлакатларидаги ҳам бу шахсларнинг ҳисоб рақамлари Каримов давридами ё ундан кейинки, музлатиб, мамлакатга қайтарилса...

Ватанпарвар Ахмад

ИНСОНЛАРГА ФАЛОКАТ КЕЛТИРУВЧИ ХОТИН

(Давоми: Боши 2-бетда)

Балки шундайдир, аммо бунинг оқибатида фойдадан кўра жабр кўрганлар кўпаймоқда. Бунга аниқроқ тўхталиш учун яқин тарихга қайтамиз. 2005 йилда Гулнора Каримова томонидан таъсис этилган Фонд Форум жамғармаси Янги Авлод ва Келажак овози танловларини ўтказиш бошлади. Бу танлов ва ундаги номинациялар ўсиб келаётган ёшлар учун яхши имконият ва ажойиб муваффақият эди. Аммо бу каби маросимлар Фонд Форумномада бўлиб ўтади, аммо ташкилий ишларини маҳаллий хокимият, Мутасадди ташкилот, молиявий қисми эса Камолот Ёшлар ижтимоий ҳаракати зиммасига юкланади. Мисол учун 2005 йилда бўлиб ўтган Фонд Форум ташаббуси ва хомийлиги остида Янги Авлод ва Келажак овози кўрик танлов мухташам ҳолатда ташкил этилган. Иштирокчиларга катта шароитлар яратилган эди. Шу билан бир қаторда катта харажат сарф қилингани кўриниб турар эди. Маросим ва танловлар ўтказилди. Лекин 2006 йилда Камолот Ёшлар Ижтимоий Ҳаракатининг барча бўлимларида теқширув ўтказилди. Шунда маълум бўлдики, меъёрдан ортқ ташкилот

бюджети сарф қилинган. Шу боис кўпгина Камолот ЁИХ ташкилотининг раҳбарлари устидан жиноий ишлар очилди. Худди икки ўт орасидек гап. Шунки Камолот ЁИХнинг асосий жамғармасига келиб тушадиган тушум тадбиркорларнинг даромад солиғидан белгиланган миқдорда олинади. Яни Давлат бюджетидан таксимланади. Бу вақтда Гулнора Каримова буйруғига биноан бирор бир маросим ўтказилиши Камолот ЁИХ зиммасига тушади. Бажарай деса, меъёрдан ортқича сарф учун жавобгарлик. Бажармай деса Гулнора Каримова буйруғи билан энг камидан ишдан олинади. Бугунги кунда ўтказилаётган Базар Арт, Стайл.уз ҳафталиги, Келажак овози, Янги Авлод каби 10да зиёд анъанага айланган тадбирлари мавжуд. Бугунги кунга келиб, оммавий никоҳ маросими ва ифторликлар ҳам бу сафга қўшилган. Аммо ҳолат ўшандай. Яни бу тадбирлар ўтказилиши, Касаба уюшмаси, Маҳаллий хокимият, Маҳаллий тадбиркорлар, Вазирликлар ва Камолот ЁИХ зиммасига тушади. Аммо Фонд Форум жамғармаси номи остида ўтади. Бу йил сайин Гулнора Каримованинг мавқеи ва ёшлар ўртасида обрўсига сабаб бўлмоқда. Лекин ҳам

хизмат ҳам тухмат бошқа мутассадди ташкилотлар зиммасида. Ҳозирги вақтда бундай ҳолат механизми ўзини жар ёқасига олиб келди. Борган сари кескин эътирозларга сабаб бўлмоқда. Танлов иштирокчиларида, ёшларда ҳам ишончсизлик ортмоқда. Сабаби танлов ғолибларига бир қатор имтиёзлар берилаётгани сабабли ноҳақликлар авж олган. Бугунги кунда халқаро миқёсда ГУЛНОР бренди ҳам ўз ўрнини топиб бормоқда. Бунда ҳам Хунарманд ташкилоти томонидан сараланган хунарманд, дизайнер, зардўз, каштачи, заргар гуруҳлари меҳнат қилар эди. Гулнора Каримова ўзи брендига асос солгач, уларнинг меҳнати ортди аммо номи йўқолди. Фақатгина Гули бренди соясида қолишади. Буларни барчасини жамулжам қилинган ҳолатда Гулнора Каримовани матбуот ходимаси Динора Дўлтаева оммага маълум қилади. Аммо бу меҳнаткаш ходиманинг ҳам тоқати етмай турибди. Яқинда Гулнора Каримова ҳақида ачиқ гапларни ошкор қилса ажаб эмас. Чунки шу вақтга қадар сидқидилдан қилган меҳнатига муносиб маош тугул, илиқ гап ҳам эшитмай қолган... Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон диктаторининг қизи Гулнора Каримова – инсонларга фалокат келтирувчи хотин.

Муқимжон Муқаддамов

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Марказий шифохонасига қарашли туғуруқхонага, “Олмазор” кўчасида яшовчи фуқаро, 25 ёшли аёл, Барно Тоғаева учинчи фарзандини дунёга келтириш учун олиб келинди. Шифокорлар Ёдгор Бозоров ва Барно Норбоева дард аламида ёнаётган Барно Тоғаевани кўздан кечириб чиқиб, “операция столи”га олиб жаррохлик амалиётини бошлаганлар.



чакириб олиб, “Малоҳат оламдан кўз юмди. Жаррохлик амалиётини кўтаролмади. Юраги операцияга дош беролмади. Бунинг ҳаммаси тақдир экан. Худонинг “иши”. Бизнинг ҳамдарлигимизни қабул қилинглр...” деб ёпиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетди. Худди шунингдек, Бойсун тумани “Дарбанд” қишлоғида яшовчи 13 ёшдаги фуқаро Шахноза Холмаматов

СУРХОНДАРЁДА АЁЛЛАР ҲАЁТИГА “НУҚТА” ҚЎЙИШМОҚДА!

Уч соат давом этган операция ўз самарасини бермаган. Натижада Барно Тоғаеванинг боласи сув ичида қолиб кетиб, уни майда-майда қилиб, бурдалаб олишган. Онаси эса, “операция столи”устида жон берган... Куни-кеча Бойсун тумани “Сариосиё” қишлоғида яшовчи фуқаро Малоҳат Норчаева иккинчи фарзандини туғиш учун, туғуруқхона бўлимига олиб келинди. Шифокор Барно Норбоева “Сиз ўз болангизни туғолмайсиз. “Операция” йўли билан болангизни

оламиз” деб айтган. Малоҳат Норчаева “операция”га мен тайёр эмасман. Қон-қариндошларим ва турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашишга руҳсат берсангиз...” деб айтган. Шифокор Барно Норбоева эса, Малоҳат Норчаеванинг қаршиқларига қарамай, ўз билганидан қолмаган. “Операция” ишлари бошланиб кетгандан сўнгра, орадан 5-6 соат ўтгандан кейин, шифокорлар Барно Норбоева ва Ёдгор Бозоров, Малоҳат Норчаеванинг яқин қариндошларини

вага 20 ёшдаги ўсмирин тарафидан тажовуз этилган. Жинсий алоқага қаршилик кўрсатган Шахнозага тан жароҳати етказилган. Натижада ёш қиз-бола оламдан кўз юмган... Шифокорларнинг “ишбилармон”лиги туфайли, Бойсун тумани хотин-қизлар ўлими бўйича, Сурхондарё вилоятида биринчиликни эгаллаб келмоқда. Қиссадан-ҳисса шуки, Сурхондарёда аёллар ҳаётига “нуқта” қўйишмоқда!

Мансуржон Фозилжонов

ЎҒЛИМНИ КЎРГАН БОРМИ? РОССИЯДА...



Туропов Рустам Хўжаназарович, 1969 йил 14 февраль Узбекистон Республикаси Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани “Газа” маҳалласида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти ўрта махсус. Уч нафар фарзанди бор. Муқаддам Узбекистон Республикаси ЖКнинг 169 моддаси билан айбланиб, Қашқадарё вилоятининг “Косон” туманига қарашли қамоқхонада 7 ой “ўтириб” чиққан... “Туропов Рустам, 2007 йилнинг 23 апрель куни Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани “Газа” маҳалласида яшовчи фуқаролар, бригадир Ҳасанов Нурман, Самадов Холмурод ва 17 кишидан иборат бойсунлиқлар билан бирга, Россия давлатининг Москва области, Наро-фоминск районига қарашли бўлган, “Остов” фирмасида оддий ишчи бўлиб ишга борган.

Аввал, Туропов Рустам Россия давлатида бир-неча марта бориб-келган, қишлоқдоши фирма бошлиғи, тадбиркор Мажид Ҳолиқовнинг укаси Зокир Ҳолиқов билан бирга ҳамкорликда ишлаган. Ўша фирмада Рустам Туропов “прораб” бўлиб ишлаган. Унинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳозирги кунда бойсунлик, “Остов” фирмасининг бошлиғи Мажид Ҳолиқовнинг “сейф”ида сақланмоқда. Қизиғи шунда-ки, ўғлим билан бирга Россияга ишга борган биргадир, Ҳасанов Нурман беш йил давомида Москвага қатнаб юрди.

“Ўғлим қаерда, охири марта қаерга кўргансан? Ёки ўғлимни сотиб, ўлдириб юборганмисан?!” деб саволлар билан мурожаат қилдим. У эса, “ўғлингиз эрталаб чиқиб ке-

тиб, шу билан қайтмади” деб мени алдаб юрибди. Мен шу беш йил давомида Узбекистон Республикасининг орган ва ташкилотларига бир неча бор мурожаатлар қилдим.

Хатто-ки, орган ходимларидан шу биргина илтимос билан: “Ҳасанов Нурманни Узбекистон Республикаси ЖКнинг “одам савдоси” тўғрисидаги банди ва моддалар асосида суриштирув ишларини олиб боришларингизни сўрайман...” деб талаб қилдим. Афсуски, натижа бўлмади. Нима қилишимни ҳам билмайман. Бошим қотиб қолган.

Ўғлимни кечаю-кундуз ўйлаб, тўлғониб чиқаман. Каттиқ касалликка чалиниб қолганлигим туфайли, бир йил давомида кўрпача қилиб ётиб қолдим. Эрта ўлсам, мени ким кўмади? Яккаю-ёлғиз ўғлим Рустам, қаердасан??? Куни-кеча, Рустамнинг катта ўғли, Хўжаназаров Хумойиддин отасини излаб-топиш учун, Россияга кетди. Хотини “Ўғлингиз келмади. Мен кўчага чиқиб “ишлайман”, пул топаман” деб кўчама-кўча юрибди. Мен ўғлимнинг фарзандларини ўйлайман...

Эй инсонлар! Россияда ўғлимни кўрганлар борми? Менга ёрдам беринглр? Ёки... Кўрганлар бўлса, ўлик ё тириклиги тўғрисида хабар беринглр” дейди 70 ёшли онахон Менглиева Қизларгул.

Мансуржон Фозилов

Швейцария прокуратураси Женевада Ўзбекистоннинг икки фуқароси қўлга олинганини тасдиқлади. Прокуратуранинг Озодликка маълум қилишича, улар Швейцария томонидан тафтиш қилинаётган пул ювишга доир жиноят иши бўйича қўлга олинган. Улардан ташқари яна икки ўзбекистонлик ҳам бу ишга алоқадорлиги айтилмоқда. Бошқа маълумотларга кўра, бу ишга президент Ислом Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

Швейцария прокуратураси тергов бошлади

Ўзбекистон фуқаролари Шохрух Собиров ва Алишер Эргашев ўтган hafta Женевада ҳибсга олингани ҳақида Озодлик хабар қилган эди.

Швейцария прокуратураси сешанба куни Озодлик сўровига жавобан йўллаган расмий хатида

ятига оид қонунчилигига кўра, банкимизнинг бирор шахс билан алоқаларини на тасдиқлай, на инкор қила оламиз”, дейилади баёнотда.

Женевада ўт ёқсам Тошкентда тутуни

Айни пайтда, Швейцариянинг Тошкентдаги элчихонаси олдида 4 август куни норозилик намойиши ўтказилгани ҳақида хабар пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг тўнғич қизи Гулнора Каримова етакчилиги-



олинган ўзбекистонликлар ишини кузатаётган франциялик журналист исми ошкор этилмасли шарт билан Озодликка берган маълумотларга қараганда, Шохрух Собиров ва Алишер Эргашев Гулнора Каримовга алоқадор шахслардир. Улар Женевадаги Lombard Odier банкига ҳам Гулнора Каримовнинг кўрсатмасига кўра борганлар, дейди француз журналисти.

Унинг айтишича, Швейцария расмийлари ўзбекистонликларни ҳибсга олиш билан бирга Гулнора Каримовага қарашли банк ҳисоб рақамларини ҳам музлатиб қўйган.

Озодлик манбаларига кўра, қўлга олинганлардан бири 1975 йилда туғилган Алишер Эргашев 2002 йилдан бери Гулнора Каримовага қарашли экани айтиладиган Coca-Cola-Uzbekistan ширкати директор ўринбосари лавозимида

ГУЛНОРАНИНГ ЮЛҒИРЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯДА АЙБЛАНМОҚДА

уларнинг исмлари келтирилмаган. Лекин Ўзбекистоннинг икки фуқароси Женевада қўлга олингани тасдиқланган баённомага кўра, бу Швейцария Бош прокуратураси томонидан ўтказилаётган тергов доирасида амалга оширилган.

“Айни вақтда бу иш бўйича тўрт нафар Ўзбекистон фуқароси пул ювиш амалиётига алоқадорликда айбланмоқда. Икки киши ҳибсга олинди”, дейилади Швейцария прокуратураси баёнотида.

Ўзбекистон ҳукумати ва махфий хизматларида ўз манбаларига эга бўлган Узметроном нашри 4 август куни тарқатган хабарга кўра, Шохрух Собиров ва Алишер Эргашев Женевадаги Lombard Odier банки биносида ҳибсга олинган.

Лекин айни банк Lombard Odier банки Озодлик мурожаатига жавобан юборган расмий баёнотида банк биноси ёки худудида ҳеч ким ҳибсга олинмагани таъкидланади. Айни пайтда баёнот банк биноси олдида бунга ўхшаш ҳодиса бўлганми, йўқми деган саволни очиқ қолдирди.

Шунингдек, Lombard Odier банки вакили Шохрух Собиров ва Алишер Эргашев банк мижозлари бўлганми, йўқми деган саволни ҳам жавобсиз қолдирди.

“Швейцариянинг банк фаоли-

даги “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси уюштиргани айтилаётган пикет ўтказилганини Озодлик мухбири Фонд Форум ва Швейцария элчихонасидан тасдиқлашга ҳаракат қилди, лекин бунинг иложи бўлмади.

Шу сабабдан ҳозирча, норозилик намойиши ўтказилганига оид хабарнинг ягона манбаси фақатгина Россия махсус хизматлари назорат қилиши айтиладиган Центразия.ру бўлиб қолмоқда.

Сешанба куни Центразия.ру сайти эълон қилган хабарда айтилишича, Шохрух Собиров ва Алишер Эргашевнинг Женевада ҳибсга олинишидан норози бўлиб “Швейцарияга шармандалик” кабилидаги шиорларни кўтариб чиққан намойишчиларга элчихонани қўриқлаб турган ўзбек милициячилари қаршилик кўрсатмаган.

Центразия.ру нашри Фонд Форумдаги манбага таяниб, норозилик акцияси беvosита Гулнора Каримова буйруғига кўра ўтказилгани, боз устига президент қизи элчихона яқинида микроавтобусдан туриб, норозилик акциясини шахсан бошқариб турганини ёзди.

Ювилган пуллар кимга қарашли?

Айни пайтда, Женевада ҳибсга

ишлаб келган.

Француз журналисти берган яна бир маълумотга кўра, Швейцариядаги ишга 1985 йилда туғилган Гаянэ Авакиян исми Ўзбекистон фуқароси ҳам алоқадор бўлиши мумкин.

Озодлик манбаларига кўра, Гаянэ Авакиян Гулнора Каримованинг яқин гумашталаридан биридир. Расман Фонд Форум уюштирадиган Style.uz маданият ҳафталикларининг бош директори ҳисобланган Гаянэ Авакиян, манбаимизнинг айтишича, Гулнора Каримованинг молиявий ишларини бошқаради.

“Швейцария банкларидаги Гулнора Каримовага қарашли ҳисоб рақамлар ҳам Гаянэ Авакиян номига расмийлаштирилган”, дейди суҳбатдошимиз.

Россия махсус хизматлари назорат қилиши айтиладиган Центразия.ру нашри эълон қилган мақолада иддао қилинишича, Женевада ҳибсга олинган ўзбекистонликлар томонидан дахл қилинган Lombard Odier банкидаги ҳисоб рақамлар ҳам Гулнора Каримовага қарашли бўлган.

Гулнора Каримова 2009 йилда 50 миллион Швейцария франкига Женевада сотиб олган ҳашаматли ховли учун ана шу ҳисоб рақамларидан фойдалангани айтилмоқда.

ПОРАНИНГ ИЗИДАН...



Бу изни таъкиб қилиш унчалик осон иш эмас. Бу иш худди ваҳший арслонни ўрмонда таъкиб қилишга ўхшайди. Ўрмондаги ваҳший ҳайвон сизнинг таъкибингизни сезмаётган бўлса ва қўлингизда замонавий қуролингиз бўлса, ошиғингиз олчи бўлиши мумкин.

Аммо порани таъкиб қилаётганда энг замонавий қурол билан қуролланган ва ўзингизни ҳимоя қиладиган энг замонавий маска ва кийимларни кийиб олган бўлсангизда, бу сиз учун хавфсизлик шароитини яратмайди. Чунки пора ниҳоятда таҳликали, сиз уни орқадан таъкиб қилаяпман, деб турганингизда у сизнинг изларингизни кузатиб турган бўлиши мумкин...

Чунки поранинг яширинган жойи сизни қўриқлайдиган миришабнинг қўлтиғи, қонун билан сизни ҳимоя қилиши лозим бўлган маҳкама раиси столнинг бир бўлими бўлиши мумкин. Сиз эса буларга ишониб, порани таъкиб қилишга киришгансиз. Аслида эса пора сизни таъкиб қилмоқда, бармоқларингизнинг орасига кириб олиш учун...

Бир сиёсатчи шундай деган экан: Порахўрликни тугатиш учун

қўлларни кесиш кифоя қилмайди, чунки порани билаксиз қолган қўлтиқлар билан ҳам олиш мумкин. Порани нафақат қўлтиқ, кўзнинг бир ишорати, киприкни бир қоқиш, жилмайиш, хўмайиш, иш жойида бўлиш ёки бўлмаслик билан ҳам олиш мумкин порахўр..

Порани таъкиб қилиш сизни порахўрга эмас, порахўрликка қарши қонунни имзолаган катта лавозимли раҳбарнинг хонасига олиб борса нима қиласиз?. Худди кун бўйи сичқонни қувалаган, энди уни

ушладим деганда, сичқон учун қопқон ясайдиган устани қаршингизда кўрсангиз ва унга сичқон қани десангиз, у сизга тиржайиб қараб турса... Бу одам қўлингизга сичқон тутадиган энг мукамал қопқонни бепул берса ҳам, сиз барибир мутмаин бўлмайсиз албатта... Пора берган ҳам, олган ҳам жаҳаннамликдир, аммо пора олганнинг ҳам берганнинг пешоналаридаги ва қалбларидаги кўзларини кўр қиладиган нарсадир. Бу шаклда пора инсонни жаҳаннам чуқурига олиб тушади-ган зинапоядир...

Ўзбекистон Президентнинг таъбири билан айтганда пора “узат узатдир”. У бу гапни Давлат бошлиғи сифатида Республика раҳбарлари билан илк учрашувларининг бирида айтган эди. Яъни, “Катта”нинг ўзи порахўрликни, унинг турли номларини, у юридиган йўлни, у қирадиган тешикни яхши биладиган пора мутахассидир. Порани таъкиб қилар экан албатта сиз Президентнинг иш хонасига қира олмайсиз, ҳолбуки поранинг бу хонанинг орқа томонидан чиқиб кетадиган йўллари ҳам бўлса керак...

Пора яширинадиган жой виждонлар қабристондир, албатта.

Бу ерда турли ёшда ва турли сабабларга кўра ўлган виждонлар дафн қилинган. Бир уйда бир ота ўлса унинг хонаси хувиллаб қолади. Айниқса она ўлса уй тамоман харобага айланади. Худди шундай виждон ўлганда инсоннинг фақат кўкрак қафаси эмас, бутун вужуди хувиллаб қолади. Натижада юз безбет ҳолга келади, кўзлар уятсиз, хоин нигоҳларга тўла кўриш машинаси, қулоқлар тўғри сўзни эшитмайдиган супрага айланадилар... Пора шундай мудҳиш ўлимни севади.

Сингапур деган давлатда порахўрлик учун ўлим жазоси берилар экан. Бу аслида аллақачон ўлган виждоннинг эски кийими ҳисобланадиган танани дорга ошишни билдиради, холос. Пора эса ўлган виждон ва ўлдирилган тана қабристонидан чиқиб яна ўз ишини давом эттираверади. Шундай кўрқинчли бир нарсадир пора ва порахўрлик...

Уни тутган қўллар қуяди, аммо бир онда эмас, аста секин, кунлар, ҳафталар, ойлар ва ҳатто йиллардан кейин тандирга кириб чиқаверадиган қора касовга ўхшаб қолади бу қўллар. Бу ҳаром қўлларни тутиш у ёқда турсин, бадбўй хидидан унга яқинлашдан ҳам ҳазар қилиш лозим аслида.. Аммо пора бу қўлларни қутилмаганда миллат отасининг шаҳар майдонида оломонга йўл кўрсатаётган ҳайкалининг ўнг қўлига айлантриб қўйиши мумкин. Бу соқов ҳайкал эй, инсонлар пора мана бу тарафда, мана бу усул билан олинади, дея ҳайбат солиб туради...

Порани таъкиб қилиш осон иш эмаслиги тушунарли бўлди шекли. Яхшиси ундан қочиш эмасми? Аммо бу аблаҳ уни таъкиб қилсангиз, изини йўкотадиган, аммо ундан қочсангиз, сизнинг изингизнинг бемалол топиб қиладиган шайтоннинг ўзидир. Демак, чора у билан юзлашишдир. Дунёнинг бутун қуролларини бир четга отиб, виждон, деган силоҳингизни унга тўғирланг. Ва унга сўнги ҳамлани беришга шайланг...

Абдурахмон Мухаммад

КИМ АСЛИДА КИМ ЭДИ ЁКИ ЎРГАНИЛМАГАН ТАРИХ

«Ким аслида ким эди ёки Ўрганилмаган тарих» номи остида берилаётган туркум мақолаларимизнинг бугун иккинчиси қисмини тақдим этамиз. Бу мақолалардан асосан икки мақсад кўзланган ва шу ўринда уларни яна бир бор такрорлаб ўтаемиз.

Биринчидан, Ўзбекистон энг янги тарихи (Мустақилликдан кейинги давр) ҳақида ёлгон маълумотларнинг тарқатилаётгани боис, ўзбек ўқувчиларининг реал фактлар ва объектив муносабатларга асосланган ҳолис маълумотларни олиши имконини вужудга келтириши.

Иккинчидан эса, бу маълумотлар ўз даврида чоп этилганига қарамай, хориждаги кўпчилик муҳолифатчиларга етиб бормаган, Ўзбекистон ичкарасидагилар ҳақида айтмасак ҳам бўлади. Ушбу мақолаларнинг муаллифлари Эрк партияси ёки ЎХХ аъзолари эмас, аммо мазкур воқеа-ҳодисаларни яқиндан кузатиб борган, ҳатто ўзлари ҳам уларда иштирок этган замонамизнинг ҳолис фикрли зиёлиларидир.

Бўйсунмайман ҳеч кимга
Аллоҳдан бошқа

Муҳаммад Солихнинг Туркияда нашрдан чиққан “Давлат сирлари” (Devlet Sırları, Toker yayınları, İstanbul-1997, Sayfa: 5-8) китобига Озарбайжон собиқ президенти Абул-файз Элчибей давлат маслаҳатчиси, Истандул Билги Университети доценти, фалсафа фанлари доктори Ориф Ожолўғли Туронтош тарафидан ёзилган сўзбоши
Баку, 21 Шубот (Феврал) 1997

Ориф Ожолўғли Туронтош “Бўйсунмайман ҳеч кимга Аллоҳдан бошқа”, бу сатр кизил коммунистлар тазйиқларининг сўнгги босқичларида, коммунистик империализмнинг нафақат Советларда балки ундан ташқарида ҳам, айниқса, Полша ва Афғонистонда қонли акциялар уюштираётган бир онда, кўпчиликнинг синдирилиб, овозлари ўчирилган бир пайтда, темир парда орқасидаги асир ўлкада ёзилган ва албатта, нашр этилмаган, аммо тилдан тилга ўтиб юрган бир шеърнинг сатридир.

1981 йил. Мамлакат Ўзбекистон. “Темир парда” ҳақида эшитмаган бугунги ўқувчиларимиз учун юкоридаги сатрнинг муаллифи Муҳаммад Солих исмининг бир нарсани ифода қилиши амри маҳол албатта. Аммо тарихнинг катта бир босқичини ўнларча асир халқнинг ички дунёсини ва кутулиш учун кураш даврини англашнинг йўли шу сирли хотиралар устидан ўтади. У ерларда яшалган ва изларини адабиётда, санъатда қолдирган хотираларда воқеаларнинг ҳаммаси ибратдир.

Айниқса, бу ибратларни намоиш этган киши оддий одам эмас, балки воқеаларнинг марказида турган инсон бўлса. Сўзи билан, ҳаракатлари билан, йўлбошчилик қобилияти билан

миллий ҳаётнинг ҳар жабҳасида мужодала берган ва бутун бир авлоднинг умиди, ифтихори бўлган бир инсон бўлса, бу ҳақиқатни топганмиз демакдир.

Муҳаммад Солих исмини Туркия асосан газета ва телевидение хабарларидан бир сиёсатчи сифатида эшитди ва таниди. Аслида, мавзу бу билан чекланмаган. Муҳаммад Солих курашчан, ўз эътиқодига, принципларига содиқ ва тўғрисиёз сиёсатчи сифатидагина эмас, модерн Турк дунёсининг буюк шоири, фикр одами ва бу сифатлари билан бир авлоднинг устозидир.

У 1949 йил Улуғ Туркистоннинг, маҳаллий ибора билан айтганда, Туронзаминнинг Хоразм минтақасида туғилди. Ерли ривоятлар, афсоналар ва ўзининг ифодасига кўра бувисининг “Хоразм тарихи” дея тушунгани “Кўркут Ота” дostonини тинглаярак вояга етди. Аскарликдан сўнг, 1970 йилда, Тошкент Университети журналистика факултетида кирди, адабиёт дунёсига қадам ташлади. Бу даврда 1960 ларни тамсил этган зоҳиран исёнкор, ботинан конформист адабий авлод йўл кўрсатувчи сифатида янги етишган мунаввар ёшларни қониқтирмас эди. Фақат Ўзбекистонда эмас, бошқа Совет жумҳуриятларида ҳам аҳвол шундай эди. Айни пайтда чиқиш йўли топиш ҳам осон эмасди. Ҳақиқатан ҳам, бошқа бўлгаларда бу йўл излашлар фақат изланиш савиясида қолиб кетди. Ўзбекистонда эса бу изланишлар ғалаба билан хулосланди ва Муҳаммад Солихнинг бошчилик этгани бир гуруҳ санъатнинг турли шохобчаларида янги адабий ва ижтимоий тушунчани жамиятда акс эттиришга эришганини қатъий бир шаклда урғулашимиз мумкин.

Бу оқимнинг профессионал принципларини адабиётда: мурасасизлик, инсоний ҳалоллик, тўғрисиёзлик ва



эътиқод йўлида курашчанлик, сиёсий принципларини эса таъқиқланган миллий тил ва адабиётнинг оқланиши ўларок танитиш мумкин. Булар Муҳаммад Солихнинг қаламидан аниқ равшан кўринади. Муҳаммад Солих тарафидан ўзбекчага ўгирилган “Француз шоирлари шеърляти”, “Дада Кўркут китоби”, Юнус Эмра девони ҳам ўша даврга тўғри келади.

Муҳаммад Солих Совет даврида қизилларнинг энг кўп синдиримок истагани ўзбек туркларининг – инсоний ҳақлари қўлидан олинган, моддий ва маънавий борлиқларига катта зиён етказилган инсонларнинг тилмочидир.

Айни пайтда, Муҳаммад Солих дунё туркларининг масалаларини чуқур тушунган ва уларни очиқ-ойдин айтаолган фикр одами. Адабиётдаги даъвоси, сиёсатдаги мужодаласи айнан шу истиқоматда (Йуналишда) давом этди.

Муҳаммад Солих ҳаққи ейилган ҳар қандай инсонга, ҳар қандай халққа ҳамдардик фазилатига эга ва бу туйғуни ўз миллий даъвоси ичида яшатабилган кенг уфқли бир лидер. У сиёсий шароит юзасидан ўлкасини тарк этишга мажбур бўлди, энди юртидан ташқарида яшамоқда. Муҳаммад Солих шундай хотирлайди: “1970 йилларда шоир Абдурауф Парфи билан шундай орзу қилардик: бир кун уйғониб, бутун тошкентликларнинг ўзбекча гапираётганини кўрсак, дея орзу қилардик. Мана, Ўзбекистон мустақил бўлди, энди Тошкентда ҳамма, ҳатто руслар ҳам ўзбекча гапиришяпти..”

Аммо бу кунни орзу қилганларнинг, бу кун учун ҳаётини хийба қилганларнинг ўзбекча ёзган китоблари бу ўлкада таъқиқланган, уларнинг ватанларига кириши таъқиқлангандир. Уларнинг айби миллати учун душманлардан садака эмас, ҳақиқий истиқлол исташи эди. 1981 да дегани каби уларга “бўйсунини” истамагани эди. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, ёш умри мағлубиятлар, зафарлар, бир сўз билан айтганда, мужодала солномаси бўлган Муҳаммад Солих қуёшнинг мунис туғилган кунда Туронзаминга қайтажак ва янгидан сўзга бошляжак, Ўзбекча сўзга. (1997)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги сонларда)

Мухолифат ичидаги муаммолар
Айтиш керакки, бу муаммолар фақат “лидерлар” ўртасида кузатилади. Аслида “Эрк” ва “Бирлик” ўртасида ҳеч бир муаммо бўлмаган. Бу иккала ташкилотнинг оддий аъзолари Ўзбекистондаги барча демократик акцияларда биргаликда ҳаракат қилиб келишган. Зиддиятли муаммолар эса чет элда мухолифат учун чигал вазиятларда юзага келган. Масалан, Прагада Муҳаммад Солиҳни Ўзбекистонга топшириш ёки топширмаслик масаласи ҳал бўлаётганида, “Бирлик” сайти қўллаб-қувватлаш ўрнига, унга қарши тухматларни тарқатди. Солиҳга бўлган суиқасд фош қилинганида, “Бирлик” сайти бутун кучини бу нарса “Эрк” томонидан тарқатилган ёлғон хабар эканини “исботлашга” уринди. Бир сўз билан айтганда бир ҳовуч кимсалар, Интернет ёрдамида қувғиндаги мухолифатнинг бирлашишига тўсиқ қўйишга уриниб келишди. Бу фаолиятдан кўнгли тўлган Ўзбекистондаги режим 2002 йили ҳар галгидай “айримлар”ни ватанга таклиф этди. “Айримлар” дегани ака – ука Пўлатовлар эди. Абдуманноп Пўлатов Америка фуқаролигини қабул қилди ва кейинги йилларда режимнинг ҳимоячисига айланди. Бузилган асабини даволатиш учун Туркияга келган акаси Абдурахим Пўлатов эса бир неча бор қайтиши ҳақида эълон берганига қарамай хануз қайтгани йўқ. У АҚШда қолиб, бутун фаолиятини “Эрк” ва унинг лидерини обрўсизлантиришга бағишлашди. (102-бетдаги ловага қаранг). *Бундай фаолиятда қандай манتيқ бўлиши мумкин? Унинг ўтмишидан хабардор кишилар ўйлагани каби, бу фақат ҳасад ва кўрөлмасликми?* Мен эса бундай фикрда эмасман. Мен бундай деб ўйламайман. Пўлатов кетди, аммо унинг қайтишига ҳеч нарса монъелик қилмаётган эди. Ҳукумат унга қарши “Эрк” лидери билан бўлгани каби бирор жиноий иш очгани йўқ. Муҳаммад Солиҳ ва унинг қариндошлари каби Пўлатовнинг мол мулки мусодара этилмади. Солиҳ билан бўлгани каби унинг яқинлари, қариндошларига тазйиқлар ўтказилмади. *Чет элга келиб бу одам нима иш билан шуғулланди?* Унинг номини бор йўғи “Ҳаракат” деб номланган ўзининг шахсий журналида “Эрк”ка қарши қайралган мақолалардагина кўриш мумкин холос. Ўзбек оммавий ахборот воситалари 10 йил давомида бирор марта унинг номини тилга олгани йўқ. *Ҳўш, Пўлатовларнинг фаолиятини қайси тоифага киритиш мумкин?* Бунга том маънодаги жавобни “Бирлик”нинг ахборот наشري ҳисобланмиш “Бирлик” сайтдан топамиз: Пўлатовлар ўзбек ҳуқуқ-тартибот идоралари билан бирга мухолиф кучларнинг бирлашишига ҳалакит беришдек умумий вазифани бажаришмоқда.

“Бирлик” сайтнинг асосий материаллари жамоатчилик орасида Ўзбек Мухолифати обрўсини тўкишга қаратилган. Бу сайтга кўз югуртирган одам маданиятсизлик, масъулиятсизликнинг даражасини кўриб даҳшатга тушади. Расмий саҳифа ҳақорат ва ғийбат, бир-бирини талаш ва доимий дезинформация билан тўлдирилган. Пўлатов бундан ташқари провокация ва чақимчиликка ҳам ружу қўйган; бу кўпчиликнинг фикри. Бу фикр куруқ сўздан иборат бўлиб қолмаслиги учун бир мисол келтираман. Аввал, А. Пўлатовнинг “Эврил Турон фожеаси” мақоласидан иқтибос: “...1997 йилнинг 26-29 июлида Анкарада бўладиган “Туркий халқлар ассамблеяси” Шукрулла Мирсаидов ва Мамадали Маҳмудовларни таклиф қиладиган бўлдим. Улар билан шахсан гаплашиш учун Василя Иноятовдан уларни уйига таклиф этишини сўрадим. 29 июл куни (1997 йил. Мух.) менинг архив маълумотларим бўйича Истанбул вақти билан кечки бешда мен Василага кўнғироқ қилдим ва аввал Шукрулло ака билан, кейин Мамадали (Маҳмудов) билан гаплашдим. У (М.Маҳмудов) ҳатто мен билан сўрашмай туриб эхтирос билан гапира кетди: “Агар Истанбулга келсам, Муҳаммад Солиҳни фош қиламан... у хаммани русларга сотмоқчи”. Ўшанда мен бу сўзларнинг маъносини тушунмаган эканман. Амма 16 феврал портлашларидан кейин, Мамадали Маҳмудов қамалган пайтда ҳукумат томонидан олинган фильмда, унинг икромини кўриб, мен хаммасини тушундим. Англашилдики, мен билан телефондаги суҳбатгача (!) у “Эрк” лидери билан кўришган ва Киевда унинг рус шовинисти генерал Лебед билан учрашувидан (!) ва Ўзбекистондаги режимга қарши курашда у билан ҳамкорлик қилиш ниятидан воқиф бўлган. Мамадали шундай машҳур сиёсатчи (Лебед) билан учрашув шунчаки бўлади деб ўйлайдиган анойилардан эмас эди. Бас шундай экан ўша ҳужжатли фильмда акс этган: “Муҳаммад Солиҳни тинглаб туриб, яна қуллик бўларканда деб ўйладим...” деган икром ҳақиқий эканига шубҳа йўқ. (Ҳаракат № 2 (35) 2002 Март-Апрел, сайт. www.birluk.net). Абдурахим Пулатов, ушбу уйдирмани тўқир экан, ҳатто ҳужжатларга, ҳеч бўлмаса М. Солиҳ ва М. Маҳмудов учрашувидан далолат берувчи ҳукумат олган ўша фильмга бир зехн солиб қараб қўйишни ҳам хаёлига келтирмайди. Бу воқеа Киевда март ва май ойларида Пўлатов ёзаётганидек 1997 йил эмас 1998 йили бўлган эди. Бу учрашув ҳақида жуда кўп Интернет сайтларида мақолалар чоп этилган, ҳатто М. Маҳмудовнинг ўзи ёзган мактуб ҳам бор. Солиҳнинг Лебед билан учрашуви 1998 йилнинг ноябрида Пўлатов ва М.Маҳмудов ўртасидаги суҳбатдан бир ярим йил

кейин бўлиб ўтган. Солиҳнинг Лебед билан учрашуви ҳақида “Эрк” газетасининг 1998 йил декабр сонидида кўришув жойи ва вақти келтирилган мақола (суратлари билан) бор. Бу каби ифвогарона мақоладан сўнг М. Маҳмудов турмадан А.Пўлатовга хат йўллайди: “Абдурахим салом! Мен бу ерда маҳбуслар орасида бир гап эшитдим. Аммо бу гапларни сиз ёзганингизга ишонмадим. Сиз бундай қила олмайсиз, чунки бунга виждонингиз йўл қўймайди. Ҳа, биз Шукрулло ака (Мирсаитов) билан учрашдик. Василянинг уйига бордик. Хонада иккита қора телефон борлигини аниқ эслайман. Ҳонтахта атрофида ўтирдик... Василя чой ва бир неча манти олиб келди. На мен, на Шукрулло ака Муҳаммад Солиҳ ҳақида гапирганимиз йўқ. Ҳеч ким кўнғироқ ҳам қилгани йўқ. Сиз бўлсангиз “Мен М. билан гаплашдим у Муҳаммад Солиҳни ёмонлади”... деб ёзибсиз. Мен бу сўзларни сиз ёзганингизга ишонмайман. Балки, Василя... Аммо у бизнинг суҳбатимизга қўшилмади, уйга кириб – чиқиб турди. Муҳаммад Солиҳ билан Лебед дўстлашадими ёки йўқми, бу унинг иши. Муҳаммад Солиҳ билан биз узоқ йиллардан бери дўстмиз. Бу каби сассиқ ғийбат эркакнинг иши эмас. Мен хонада Одил Ёқубов бўлганини эсламайман. Аммо Солиҳнинг бу гапларни айтганига ишонмайман. Агар у гапирса одамнинг юзига гапиради, орқасидан эмас. Балки бу унинг кучли шахс эканидандир. У ўзининг шарттакилиги одамга ёқадими, ёқмайдими ўйлаб ўтирмайди. Аммо чақимчилик унга бегона. Мен сиз ҳақингизда шундай деб ўйлайман. (А. Пўлатовга ва Би Би Си га, Эврил, 29 июнь 2002 йил)”. Кўраёписизки, М. Маҳмудов мактуби сўнгиди дипломатик бир тарзда Пўлатовни ғийбат ва чақимчилик қилмасликка чақирмоқда. Пўлатов эса айна чақимчиликни касб қилган. Бу ҳам етмагандай унинг гаплари ёлғон ва тухматга асосланган. У бир томондан Маҳмудовга айтмаган гапни айтди деб, Муҳаммад Солиҳга эса қилмаган ишини қилди деб тухмат қилмоқда. Бу одам бугунги кунда аъзолари аҳоли орасида ўз дастурларини эркин тарғиб қилаётган ва ўз йиғилишларини ҳеч қандай монъеликларсиз олиб бораётган сиёсий ташкилот раҳбари ҳисобланади. Айни пайтда эса “Эрк” аъзоларига ҳатто чойхонада ҳам йиғилишга рухсат этилмаётди. Пўлатов фаолиятининг “Бирлик”ка нисбатан Каримов режими бағрикенглиги билан алоқаси борми? Бу борада ҳеч қандай шубҳага ўрин йўқ. Афсуски, “Бирлик” сайти фаолиятида “Америка овози” ходими Жаҳонгир Муҳаммад жуда катта рол ўйнади. “Эрк”ка қарши асосий материалларни ва бухтонларни тайёрлаган ҳам шу одамдир.

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

“Харакат” журналини ташкил этган ва нашрга тайёрлаган ҳам у эди.

“Совет Ўзбекистони” газетаси собиқ мухбири бўлган Маматов, ўтмишдаги порахўрликлари ва Самарқанддаги жиноятчилар тўдаси билан яқинлиги билан танилган эди.

У жамоа хўжалик-лари раисларидан фош этувчи мақола ёзиш билан шантаж қилиб катта пуллар ундирган. Биргал у жиноят гуруҳи бошлиғи Пардага фелеъетонни чоп этмаслик ҳақида берган ваъдасини бажармайди, натижада ўртада жанжал чиқади. Парда ундан ўз пулларини қайтариб беришини сўрайди, Маматов пулни қайтариб бермаслик мақсадида уни милицияга чақади. Натижада Пардани қамашади. Парда бир йилдан сўнг (1992) турмадан чиқади ва ўзи курдириб берган Маматовнинг уйини ёқиб юборади. Маматов жиноий тўда бошлиғи қўлида ўлимдан омон қолиш учун олдин Бокуга, у ердан эса Туркияга кочади. Шуни айтиш керакки, Мухаммад Солих “Бирлик”даги бухтонларга ҳеч қачон жавоб бермади. Фақат, яқинда “Эрк” сайтида кичик бир мақола пайдо бўлди, уни атрофда бўлаётган воқеаларга Солихнинг жавоби сифатида қабул қилиш мумкин.

“Озодлик, бу нақадар аччиқ сўз”

(Мухолифат ва ҳукумат муаммолари) Озодлик- шафқатсиз имтиҳон. Озодлик имтиҳони олийнасаб инсонни

удуғлайди, қулни эса баттарроқ хўрлайди. Олийнасаб инсон уни имтиҳон эканлигини билади ва шунга мувофиқ иш қилади: у бошқаларнинг эркинлигига раҳна солувчи қатъий белгиланган таъқиқлардан нарига ўтмайди. Қул эса чексизликларни писанд қилмай, ўзгалар эркинлигига дахл қилиб, атайин эркинликлар чеғарасини бузишга интилади. Инсоният фожеаси доимо шундай бошланган. Қул қачон озодликка эришса ўзини кимлигини унутади.

Диктатор қачон масрур бўлса, у озодликка ўзидан бошқа ҳеч ким муносиб эмас деб ўйлайди. Улар қулга қандай қилиб ўз ҳаракатини оқлаш учун кўрсатмалар беришади. Қул уларни ҳокимиятини машрулигини хаспўшлаш учун бир ҳужжатдир. Диктаторлар айтади: агар мен қаттиққўл бўлмаганимда эди, сени мендан юз карра ёмон одам ўз тасарруфига олган бўларди. У сени менга қараганда ноинсонийларча таҳқирлаган бўларди. У сени секин ёнгувчи ўтга ташлаб қуйдирарди, мен эса сени ўлимнингга ҳурмат билан ёндошман.

Идеалистлар олийнасаб кишилардан қандай фойдалансалар, диктаторлар қулларга нисбатан айнан шундай муносабатда бўладилар. Олийнасаб кишилар сони қанча кам бўлмасин, жамият таракқиёти йўлида қуллар қандай кучга эга бўлсалар улар ҳам шундай таъсирга эга бўлишади. Икки хил ўзаро тенг бўлмаган кучлар иж-

тимой ҳаёт анархия ўпқонига тушиб кетмаслиги учун тенгликни сақлаб турришади. 1991 йилда, Совет Иттифоқи кулаб Ўзбекистон озодликка эришгач, олийнасаб кишилар ва қулларга муносабатда Совет Иттифоқи андозалари сақлаб қолинди. Бироқ вақт ўтган сари бу хилдаги муносабат қуллар фойдасига ўзгарди. Қуллар ҳамма жойда, ҳукуматдан тортиб мухолифат ичида ҳам бор эди. Қуллар ва олийнасаб кишиларни ўзаро боғлаб турган ўрта синф вакиллари йўқотилди. Бу синфнинг катта қисми қулларга қўшилиб кетди, оз қисми эса барча кўргуликларга тоқат қилиб, олийнасаб кишилар сафидан жой олди. Ва эркин тилкалай бошлашди. Собиқ Қул, диктаторга айлангач, ўзининг ўзи каби қулликдаги биродарларини таҳқирлай бошлади. Улар эса, ўзларини англаш ўрнига, бир – бирларини ғажий бошлашди, бу билан улар Бош Қулга кўмак беришарди. Ва мувоzanат йўқолди. Қуллар зулмати ичра зувилаган диктатор қамчини эзилган бир ховуч гамнок сарбадорлар боши узра дахшат соларди. Эрк – шафқатсиз имтиҳон. Тагин, бир замонлар бўлгани кечи, ўша олийнасаб шахслардан ўзга ҳеч ким ундан олдинга ўта олмади. Тагин – минг йиллар оша неча бор! – ҳамма кўрдик, олийнасаб асл инсонлардан ўзга ҳеч ким эрка муносиб эмас”. (www.uzbekistanerk.org)

Хотима

“Эрк” партияси пайдо бўлган пайтларда ўз келажagini партия эмас, балки халқ ҳаракатида кўрганди. Уни “пост-совет миллий ҳаракат” дея аташ балки тўғри бўлар. У кўп ўтмай бир қанча ижтимоий гуруҳларни қамраб олди, бу эса оддий партиялар амалга ошириши амримахол бўлган иш эди. “Эрк” аслини олганда кучли ташкиллаша олмаган “Бирлик”нинг давоми эди. Ижтимоий платформадаги жозибалар бу ҳаракатни ташкилий ишларига тўсқинлик қилди.

Бироқ, бу тизимли кучсизлик сиёсий ташкилот муаммолари, жамиятдаги бирмунча фаол ижтимоий гуруҳларга таъсир ўтказиш масаласига келганда кучга айланади. “Эрк” бугунги кунда миллий бирлик байроғини кўтариши мумкин бўлган ягона сиёсий партия эмас. “Эрк” ўз сафларида жамиятдаги деярли барча қатламлар: зиёлилар, ишчилар, фермерлар ва диний гуруҳлар вакиллари жамлаган. Бу жозоба гўёки “Эрк” лидери шахсиятини ўзида ифода этаётгандек: У зиёли, диндор, ватанпарвар ва миллиятчи. Балки, ҳукумат тепасида “Эрк” турганда эди, на Ўзбекистон Исломиий Ҳаракати, на Ҳизбут-таҳрир, на бошқа радикал гуруҳлар пайдо бўлмасди. Уларнинг барчаси ташкил топмасданок, қонуний ижтимоий-сиёсий соҳаларга мослашар, алоҳида сиёсий қучлар сифатида намоён бўлишмасди. Ўзбекистонда эса куч билан ушлаб туриш зарурати бўлмаган ҳақиқий барқарорлик

ўрнатиларди. Сўзимнинг охирида шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, қатагонлар даврида “Эрк” газетаси ва Мухаммад Солихнинг китоблари мамлакатда ўзгача қарашларни яшаб қолишига сезиларли рол ўйнади.

Фойдаланилган адабиётлар

1 – “The hidden nation”, Nadia Diuk and Adrian Karatnycky, 1990, New York 2 – “New nation rising”, Nadia Diuk and Adrian Karatnycky, 1993, New York 3 – “Red Odyssey”, Marat Akchurin, 1992, New York 4 – “Emrire’s edge”, Scott Malcomson, 1994, London-New York, “Conflict, Cleavage and Change in Central Asia and Caucasus”, 1997, Cambridge. University Press. 5 – “Literatura and Politics: Mohammad Salih and Political Change in Uzbekistan from 1979 to 1995. Ruth Diebler, Indiana University, 1996, Indiana, USA 6 – “The Opponent”, Komen publikation, 2002, Konya, Turkey 7 – “Muhaliif”, Komen uyuinlari, 2002, Konya, Turkiye 8 – “Нариги дунё дарчаси олдида”, Сафар Бекжон, 1997, Истанбул, “Эрк” нашриёти. 9 – “Ойдинлик сари”, 1993, Истанбул, “ЭРК” нашриёти) 10 – “Этикоднинг чоррахаси бўлмайди”, 1994, Истанбул (“ЭРК” нашриёти). 11 – “Икпор”, 1995, Истанбул, “ЭРК” нашриёти). 12 – “Девлет сирлери” (турк тилида) 1997, Токер нашриёти. 13 – “Туркистан шууру” (турк тилида) 1997, Отукен нашриёти. 14 – “Агачлар шаир олса”, 1997, (турк тилида), Отукен нашриёти. 15 – “Йўлнома”, 1999, Истанбул, “ЭРК” нашриёти. 16 – “Йолнаме” (турк тилида) 2002, Истанбул, Отукен нашриёти. 17 – “The san Francisco Chronicle (19.02.1993) 18 – The Baltimor Sun (30.09.1990) 19 – The Sunday Telegraph (10.01.1993) 20 – The New York Times (06.11.1988, 01.12.2001, 09.12.2001) 21 – Los Angeles Times (15.12.2001) 22 – The Wall Street Journal (28.06.1989, 31.08.1998) 23 – The Prague Post (05.12.2001) 24 – «ЭРК» газетаси (№4, 1999) 25 – “Защита парав и свобод человека” журналы (№4 21.05.1999) 26 – “Москов Таймс” газетаси (03.11.2001) 27 – “Правда Востока” газетаси (15.12.1988) 28 – “Жумхурият” газетаси (Турк тилида) (11.11.1999) 29 – “Радикал” газетаси (Турк тилида) (11.11.1999) 30 – “Афтен Постен” газетаси (Норвегия.) (03.12.2001) 31 – www.uzbekistanerk.org 32 – www.svoboda.org 33 – www.hrv.org 34 – www.amnesty.org 35 – www.stability.uz 36 – www.uzweb.net 37 – www.birlik.net 38 – СТК Чехия Ахборот Агентлиги (30.11.2001, 01.12.2001, 10.12.2001, 12.12.2001) 39 – “Ассошейтед Пресс” Агентлиги (29.11.2001) 40 – “Рейтер” (Reuters) Агентлиги (11.12.2001) 41 – “Озодлик” (RFE\RL) радиоси (15.05.2001, 05.12.2001, 07.12.2001, 17.01.2002)

Рус тилидан Юсуф Расул таржимаси.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Таҳорат

Таҳорат соғлиқ юзасидан жудаям фойдали ҳисобланади. Инсон танасида тахминан 700 Биологик Актив Нукта бор. Уларнинг 66 таси, “Агрессив нукталар” деб номланган экстра актив нукталардир. Агрессив нукталаридан 61 таси таҳорат аъзоларида жойлашган. Таҳоратда аъзолар ювилаётиб, барча Актив Нукталар ва агрессив нукталарнинг мувозанати сақланади. Шу сабабдан таҳоратдаги тартибни, кетма-кетликни бузмасликка эътибор қаратиш керак. Юз ювиларкан ошқозон, ичак, сафро косаси (ўт пуфаги), сийдик йўллари, асаб тизими ва кўпайиш аъзолари; Кўллар ювиларкан ичаклар, юрак, ўпка, кўпайиш аъзолари ва қон айланишини тартибга солади. Қулоқлар тахминан 100 Биологик Актив Нуктадан иборат ва барча аъзоларга боғланган бошқарув марказдир. Қулоқлар масх қилинганида барча аъзолар уйғонади. Оёқлар ювиларкан гормон мувозанатини таъминлайдиган, ривожланиш ва кўпайишни бошқарадиган - гипофиз, буйраклар ва барча аъзолар фаолиятини таъминлайдиган - Биологик Актив Нукталар уйғонади. Акупунктур нукталарининг уйғотилиши натижасида танада қувват ва қон айланиши осонлашади, тананинг чидамлилиги ортади, иммунитет тизими қувватлашади. Иссиқ кўтарилганда совуқ сув билан таҳорат олинса, иссиқ 1,5-2 даража тушади. Таҳорат юқори қон босимини туширади, бош оғриғини енгиллаштиради, кўп ухлаш, ҳолсизлик ва жаҳлни кетказди. Совуқ сув ишлатиш таҳорат ва ғулнинг фойдаларини орттиради. Фақат ўпка ёки жигарида касали бўлганлар, жарроҳликдан чиққанлар, қариялар, ичи кетаётганлар учун таҳоратда илиқ сув ишлатиш яхшироқ. (Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаларга таҳорат учун илиқ сув тавсия қилар эдилар. Бу тавсия авом учун эмас, тубан руҳ мартабаларига оид касалликлардан қутулиб, юксак маънавий мартабаларга эришганлар учун эди. Бу тавсия пиёз ва саримсоқ емаслик тавсиясига ўхшайди...)

Таҳорат оларкан, огизни мисвок билан тозалаш муҳимдир. Мисвок акупунктур нукталари воситасида милклардаги 28 нерв билан боғланган миянинг, 5 туйғу аъзолари ва синуслар, мускуллар, ички аъзолар ва хусусан кўпайиш аъзоларининг фаолиятини тартибга сола-

ди. Мисвок мускуллардаги оғрикни кетказди, милк касалликлари ва тиш чиришининг олдини олади. Оғиздаги зарарли микробларни ўлдирди. Доимий равишда мисвок ишлатиш инсоннинг ақлий саломатлигини ва хотира мустақкамлигини охириги нафасгача таъминлайди. Мисвокнинг таъсири қўлланганидан бошлаб 48 соат давом этади. (“Мисвок” бўлимига қаранг)

Намоз

Намоз вақти

24 соат ичидаги 5 буюк ва 50 кичик актив биоритм даври бор. 5 буюк даврнинг ҳар бири бошланишидаги илк 15 дақиқа биологик актив пайтдир. Бу вақтларда акупунктур нукталар тамоман очиқ ҳолатда бўлади. 5 вақт намоз бу 5 буюк биологик даврга тўғри келади. Азондан 15 дақиқа кейин акупунктур нукталар секин аста ёпилишни бошлайди ва бу ёпилиш жараёни 1,5-2 соат давом этади. Аллоҳ расули (с.а.в.) шундай деганлар: “Намоз учун вақтнинг аввали - Аллоҳ ризоси, вақтнинг ўртаси - Аллоҳ раҳмати, охири эса - Аллоҳнинг авфидир”. Бундан ташқари, расулulloҳ (с.а.в.): “Агар кишилар намозга эрта келишнинг савобини билганларида эди, бунинг учун мусобақалашар эдилар”, - деганлар.

Намоз ҳаракатлари

Рукуъ ички аъзоларни, тухумдон, бачадон, простатит, буйрак, сийдик йўллари ва умуртқа соғлигини сақлайди. Ошқозон, қорин, бел ва гардан мускулларини кучлантиради. Сажда баданнинг устки қисмларида қон юришини орттиради, мияда суюқлик ва қон айланишини тартибга солади ва сақлайди. Мияни тозалайди, хотирани кучлантиради, тушуниш ва фикрлаш қобилятини орттиради, ўпка, юрак ва асаб тизimini дам олдирди. Салом бераётиб, елкаларга қараш кўзлардаги қон айланишининг бузулишидан, кўз мускулларини дангасалиқдан, энса ва бўйин суякларига оҳак йиғилишидан сақлайди. Саждага кетаётиб ва тураётиб қилинган ҳаракат тананинг барча бўғим ва мускулларининг соғлигини муҳофаза остига олади. Таҳорат ва намознинг моддий фойдаларини санаб охирига етиб бўлмайди. Бу ерда мисол тариқасида уларнинг фақатгина бир нечтаси айтилди, маънавий ҳикматлари ҳақида эса ҳеч гапирмадик. Соғлиқни сақлаш учун таҳорат қилиш, 5 вақт намоз ўқиш, ҳалол таом ейиш ва ейишни қамайтириш етарли.

Уйқу

“Кўп ухлайдиган кишининг руҳи хаста, иши кийиндир”. Уйқунинг энг яхшиси 5 соатдан ошиб кетмаганидир. Нормал киши учун 6 соат ухлаш кифоя қилади. Болалар, оғир касаллар, касал ва заифлар 7-8 соат ухлашади. Кечкурунги овқатдан 2-4 соат кейин, соат 22.00-23.00дан 04.00-05.00гача ухлаш учун энг яхши пайтдир. Ҳеч бўлмаса, соат 24.00гача ётилиши ва қуёш чиқмасидан туриш керак. Ҳазрати Умар (р.а.): “Тонгда ухлашдан қочинглар! Акс ҳолда оғиз хиди, руҳий мувозанатсизлик ва табиат (мижоз) бузқлиги юзага келади”, “Чошгоҳ пайтида ухлаганга уйқу ақлий нуқсонлик, аср пайтида ухлаганга эса телбалик келтиради”, деганлар. Қуёш чиқмасидан туришга ва ботмасидан ухлалмасликка эътибор қилиш керак, чунки бу соатларда барча аъзолар ва тизимларни ишга туширадиган ҳаётий гормонлар ишлаб чиқаради. Уйқу ҳолида барча жараёнлар секинлашгани учун гормонлар ҳам етарли даражада ишлаб чиқарилмайди. Шу тарика кўп ухлаш гормон мувозанатсизлигига ва унга боғлиқ касалликларга, хусусан, руҳий муаммоларга сабаб бўлади. Соғлом кишилар ухласалар, нафас сони ва нафас чуқурлиги камаяди, соғлом болалар каби овозсиз нафас олишади. Соғлом бўлмаганлар эса уйқу пайтида чуқур нафас олишади. Бир неча соат давомида чуқур нафас олиш тананинг кислород-углекис гази мувозанатини бузади. Бу мувозанатсизлик баъзи касалликлар билан биргаликда астамага ҳам сабаб бўлади. Ўрин қаттиқ, ёстик етарли даража баланд, кўрпа юмшоқ ва енгил, хона ҳавоси тоза ва салқин бўлиши керак. Уйқунинг энг яхши шакли - ўнг ёнга ётиб бош кўкракка эгилган, тиззалар қоринга букилган, кўллар кўкракка тегиб ётган ҳолатдир. Бу ҳолат юрак, қон айланиши, қувват йиғиш ва ҳазм қилинган таомнинг ошқозондан ичакка тушишига қулайлик яратади. Ўнг тарафга қараб ётганда, ўнг бурун тешигидан олинадиган нафас камайиб, чап бурун тешигидан олинадиган нафас кўпаяди. Чап бурун тешигидан олинадиган нафас парасимпатик асаб тизимининг фаолиятини яхшилади, юрак уришини сокинлаштиради, қон босимини туширади ва ошқозон-ичак фаолиятини меъёрига келтиради. Бундай ҳолатда ухлаганда, хусусан, юрак камроқ чарчайди, уйқуга кетиш қулайлашади, бу эса ўз навбатида янада яхшироқ ухлашни таъминлайди.

(Давоми кейинги бетда)

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ - ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

Давоми боши олдинги бетда

Бундан ташқари, уйқу давомида танага бирон зарар келадиган бўлса, бу ҳолатда ички аъзолар муҳофаза қилинган бўлади.

Ҳазми заиф бўлганлар аввал чап ёнга, кейин ўнг томонга қараб ётишлари керак. Умуртқасида муаммоси борлар мускул ва ички органлар заиф бўлганлар ва қариялар бўлса тепага қараб ётишади.

Касал ва қариялар жағ мускуллари заиф бўлгани учун оғзи очик ётишади.

Паст ёстикда ётганда синуслардаки суюқлиги бурунга келмайди, баланд ёстикда тепага қараб ётганда суюқлик бурунга эмас, томоқ, ўпка ва ошқозонга оқади. Синуслардаки суюқлиги ёндирувчи ва захарли бўлса, ва ташқарига чиқмаса, синус бўшлиғининг яллиғланишига ва бош оғриғига сабаб бўлади.

Томоққа окса, ангина ва овоз найчалари безовталанади, томоқ ва қизилўнгачда кизиш ва яралар юзга келади. Ошқозонга окса, ошқозон айниши ва ошқозон касалликлари, ўпкаларга окса ҳам, шундай касалликларни келтириб чиқаради. Синус суюқлиги оқадиганлар баланд ёстикқа ўнг ён билан ётишлари керак. Қадимги олимлар уялганлар ётишни маъқулламаганлар, бундай ётишни “шайтон ётиши” дейишган. Уйқуда сўлак оқиши: ётишдан аввал кўп ва аралаш таом еганларнинг ошқозон ферментлардан туфук безлари ҳам таъсирланиб, туфук кўпайиб оғиздан оқишни бошлайди. Гижжалар ҳам туфук безларини айни шаклда таъсир остига олишади, яъни кўпайтиради. Гижжаларга қарши бу китобда тавсия қилинган даволанишни тамомлаган, озикланиш одатини тартибга солган ва кам еган, таомдан камида 3-4 соат кейин ухлаган кишилар уйқуда сўлак оқишидан қутилади.

Уйқуда хўриллаш ётишдан аввал таом ейиш одатидан, ҳазмсизликдан, ич қотиши ва ичакларда газ ҳосил бўлганидан, йўғон ичаклар фаолиятининг бузилганлигидан ва кенгайганлигидан, кичик тилнинг шишганлигидан ва юракнинг заифлигидан далолат беради. Сирка ичида анор пўстлоғини қайнатиб, ғарғара қилинса, кичик тил шиши кичрайдиган ва хўриллашни камайтиради. Ичакларини даволатганлар ва ейишни камайтирганлар кучли хўриллашдан қисқа вақт ичида қутулишади, аммо енгил хўриллаш давом этади. Фақат табиий бўлмаган, тайёр таом ва соғлом бўлмаган таомларни еганлар, кўп еганлар, таомдан кейин мева еганлар хўриллаш муаммосидан қутула олишмайди.



Уйқуда босинқираш ва ёмон туш кўриш мияда қон ва сув айланишининг бузуқлигига ишорат. Жигар, қон ва томирларни тозалаш, саунага бориш, хожамот қилиш, зулук қўйиш бу ҳолатдан қутулиш учун кифоя қилади.

Уйқуда тишларини ғичирлатадиган катталар эпилепсия (тутқанок) касаллигига дучор бўлиши мумкин. Болаларнинг уйқуда тиш ғичирлатишлари кейинчалик қолиб кетади. Қишда қуёш нури камлигидан, таомларнинг оғирлигидан уйқу кўпаяди. Фақат озикланиш қонунқоидаларига риоя қилган ва рўза тутганларнинг ҳолати қишда ҳам ўзгармайди.

“Кам е, бемалол ухла” (Мақол). Кўп ухлашдан қутилиш учун ейишни камайтириш, саунага бориш, арпабодийён, зиғир уруғи, қоразира ва сано истеъмол қилиш керак. Ухлай олмаётганлар эса ҳаммомга тушишлари, уйқуга ётишдан аввал асал шарбати, бўғдой ёки арпа суви ичиш, ёки униб чиққан арпа ейиш, бош терисига зайтун ёғи суриш, райхон ва валериана хидлаш ва хожамот қилишлари керак.

Кийим

Соғлом бўлиш учун барча кийиладиган нарсалар юнг, зиғир ва пахта каби табиий, суннат бўлган материаллардан тикилган бўлиши кифоя қилади. (Аёллар ипак кийишлари ҳам мумкин). Бу тур кийимлар томирларни уйғотиб, қон айланишини қулайлаштиради, томир тикилишларига ва тери касалликларига тўсқинлик қилади.

Муҳаммад алайҳиссалом (с.а.в.) «Охир замонда қанча-қанча тасаттурли (ўранган хотин ва эркак) яланғочларни кўражасиз», деган эди. Синтетик газмоллар зичлашган газ синтезидан олинган сабабли Охир замонда - яъни бутун табиий бўлмаган нарсалар аслига қайтадиган пайтда - бўғувчи газ(эстер, этилен)га айланади.

Ва бу газ-молдан қилинган кийим соҳиблари яланғоч қолишади. Умуман, танадаги қувват оқимини қориштириб, соғлиқка зарар бериш учун кийган кийимимизда бир нечта синтетик ипнинг бўлиши етарлидир.

ВУЖУДНИ ТОЗАЛАШ

Вужудингизни тозалашга эҳтиёжингиз борми?

Ҳар еган таомингиздан кейин қатта ҳожатга чиқасизми ва таомдан кейин ўзингизни бемалол ҳис қиласизми?

4-5 соатлик уйқудан кейин ўзингизни кучли ҳис қиласизми? Уйғонганингизда оғзингиз таъми яхшими?

Танангизнинг ҳиди яхшими? Танангиз эластикми, оёғингизнинг бош бармоғи билан пешонангизга тега оласизми?

Тиззаларингиз устида ёки бардаш қилиб бемалол ўтира оласизми? Бир оёғингизда 30-40 сония тура оласизми?

Тушингизда ҳид, таъм, рангни ажрата оласизми?

Бу саволларга “Ҳа” деб жавоб бераолсангиз, сиз соғломсиз ва тозаланишга муҳтож эмассиз. Акс ҳолда, тозаланиш ва даволанишга муҳтожсиз. Бу ерда энг кўп дуч келадиган касалликларнинг давоси кўрилади, сизнинг касаллигингиз бу саналганлар орасида бўлмаса, ҳавотирланманг.

Барча касалликларнинг сабаби айни бўлганидек, давоси ҳам айнидир. Қайси касаллик бўлса, сабабини билиш учун “Касалликларнинг бошланиши ва ривожланиши” бўлимини ва қуйида айтилган барча касалликларнинг сабабини диққат билан ўқиб, ўзлаштириш керак. Ўз касаллигини билмаганлар ҳам ҳавотирланмасин, юқорида “Йўқ”, деб жавоб берилган саволларни билиб, ўқишда давом этсин.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



www.uzxalqharakati.com

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош